

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/05.05.2023.Fil.02.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ОЛИМОВ СУЛТОНМУРОД ҲОШИМОВИЧ

**“ЛИСОН УТ-ТАЙР”НИНГ ҚИЁСИЙ ПОЭТИКАСИ:
СИНТЕЗ, НАЗИРАВИЙЛИК ВА ТАРЖИМАВИЙЛИК**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати

Самарқанд – 2023

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) филологических
наук**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor science (DSc) of Philological
sciences**

Олимов Султонмурод Хошимович

“Лисон ут-тайр”нинг қиёсий поэтикаси: синтез, назиравийлик ва таржимавийлик 3

Олимов Султонмурод Хошимович

Сравнительная поэтика “Языка птиц” (“Лисан ут-тайра”): синтез, подражательство и переводчество 35

Olimov Sultonmurod Hoshimovich

Comparative poetics of “Language of Birds” (“Lisan ut-tayr”): synthesis, imitation and translation 69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 74

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/05.05.2023.Fil.02.11 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ОЛИМОВ СУЛТОНМУРОД ҲОШИМОВИЧ

**“ЛИСОН УТ-ТАЙР”НИНГ ҚИЁСИЙ ПОЭТИКАСИ:
СИНТЕЗ, НАЗИРАВИЙЛИК ВА ТАРЖИМАВИЙЛИК**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати

Самарқанд – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Fil58 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тил[ўзбек, рус, инглиз (резюме)]да Илмий кенгашнинг вебсаҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда “Ziynet” Ахборот таълим портали(www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Муслиҳиддин Қутбидинович МУҲИДДИНОВ, филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Усмон Уралович ҚОБИЛОВ, филология фанлари доктори, доцент Боқижон ТҶХЛИЕВ, филология фанлари доктори, профессор Олмос Қосим қизи БИННАТОВА, филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/05.05.2023.Fil.02.11 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “___” _____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети бош ўқув биноси, 1-қават, мажлислар зали, 105-хона. Тел.: +99866 239-11-40, +99866 239-18-92; факс: +99866 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация (___ рақами билан рўйхатга олинган) билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш – мумкин (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй. Тел.: +99866 239-11-40, +99866 239-18-92).

Диссертация автореферати 2023 йил “___” _____ кунни тарқатилди
(2023 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ҳ. Эшонқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси вазифасини бажарувчи, филология фанлари доктори, профессор

Д. Хурсанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш. Ҳасанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ

[фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси]

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётида Алишер Навоийнинг ўзбек ва форс-тожик тилида яратган улкан мероси миқдор ва сифат жиҳатидан умумбашар сўз санъатига қўшилган буюк ҳисса ва ўзига хос феномен ҳисобланади. Унинг асарлари туркий, форсий ва қисман арабий адабиётнинг ўзига хос уйғунлигидаги синкретик ижод намуналари саналади. Шунинг учун жаҳон адабиётшунослигида Навоий дostonлари, жумладан, “Лисон ут-тайр” (“ЛТ”) қиёсий поэтикасини, айниқса, уларда синтез, назиравийлик ва таржимавийлик масалаларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида махсус навоийшунослик, унинг таркибида махсус “ЛТ”шунослик ҳам шаклланиб улгурганига қарамай, бу асарнинг сир-синоатига тўла етиш, кўпдан-кўп ошкор ва яширин бадиияти, хусусан, қиёсий поэтикасини синтез, назиравийлик ва таржимавийлик жиҳатидан тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб келяпти. Бу асар форс-тожик шоири Фаридиддин Аттор “Мантик ут-тайр” (“МТ”) дostonига назира тарзида битилган. Шунингдек, “ЛТ”ни форсий, туркий ва қисман арабий шеъриятнинг ўзига хос синтези сифатида тадқиқ этиш, унинг ғоявий-ирфоний моҳияти, бадий-поэтик хусусиятлари, адабий таъсир маҳсули сифатидаги ўзига хосликларин ёритиш зарурати юзага келмоқда.

Мустақиллик йилларида “ЛТ” шоирнинг энг кўп ўрганилган дostonига айланди. Чунки шўро замонида ҳукм сурган даҳрийлик сиёсати бу дoston туб мағзини объектив ўрганишга имкон бермаган, ҳатто, коммунистик мафкура талабларидан келиб чиқиб амалга оширилган хато талқинларга ҳам йўл очган эди. “ЛТ”ни муқаддас ислом дини асослари, айниқса, унинг бағрида шаклланган тасаввуф таълимотига суянган ҳолда таҳлил этиш мамлакатимизда навоийшуносликни янги бир поғонага кўтарди. Шу тариқа илм мумтоз адабиёт намуналарини борича қабул қилиб, ҳаққоний талқин этиш имконини қўлга киритди. Бинобарин: *“Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айти вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган”*¹. Шу боис “ЛТ”ни тадқиқ этиш унинг туб моҳияти, ислomий-ирфоний моҳиятини теран англаш, унда илгари сурилган эзгу ғояларнинг бугун жамият равнақи, хусусан, ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини кўрсатиш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти ЎзР Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2789-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-

¹Мирзиёев Ш. Ислom ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ. // Халқ сўзи, 2017 йил, 19 октябрь.

2995-сонли, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” ПҚ-3271-сонли, 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ПҚ-4865-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” ЎРҚ-576-сонли қонуни, илмий-педагогик фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг “I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Навоий ижоди, жумладан, унинг “ЛТ” достони жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари томонидан ўрганилмоқда. Ғарб тадиқотчилари шоир асарларини Европа тилларига таржима қилиш, улар мазмун-моҳиятини оммага етказиш бўйича The University of California (АҚШ), University of Chicago (АҚШ), Indiana University (АҚШ), University of Cambridge (Буюк Британия) таълим даргоҳлари талай ишлар олиб бормоқда.

“ЛТ”ни ўрганиш рус навоийшунослигининг алоҳида бир саҳифасини ташкил этади. XIX аср 2-ярмида (1857 йили) магистрлик диссертацияси ҳимояси билан М. Никитский бошлаб берган бу йўналишни XX аср бошларида Е. Э. Бертельс изчил давом эттириб, 1928 йили машҳур “Навоий ва Аттор” тадқиқотини яратди³. С. Н. Иванов Навоий таваллудининг 525 йиллиги олдида “ЛТ”ни аслият тилидан русчага 1 байтини ҳам қисқартирмасдан ўгирди⁴. Кейинчалик ўзи дoston таржимасида амал қилган қатъиятлар таҳлилига бағишланган каттагина илмий мақола ҳам ёзди⁵. А. Н. Малехова “ЛТ” поэтикаси таҳлилига бағишланган номзодлик диссертацияси ёқлаб, кейин уни монография тарзида эълон қилди⁶. Россия Федерацияси қўлғамалар хазиналари ва кутубхоналарида Навоий қаламига мансуб 35 асарнинг жами 81 қўлғамаси сақланади⁷. Бу жиҳатдан Федерация шоир 13 асарининг 99

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.universityofcalifornia.edu>; <https://www.uchicago.edu>; www.indiana.edu; <https://www.cambridge.org>; <https://www.istanbul.edu.tr>; <https://literature.az>; <https://www.enk.kz>; <https://www.hgu.tj> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

³Бертельс Е. Э. Навоий ва Аттор. / *Она же*. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 377 – 420; *Шумуаллиф*. Навоий ва Аттор. Рус тилидан И. Мирзаев таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.

⁴Қаранг: Алишер Навоий. Сочинения. В десяти томах. Т. 8 (“Язык птиц”). – Ташкент: Фан, 1970.

⁵Иванов С. Н. К переводческому истолкованию поэмы “Язык птиц” Алишера Навоий. / *Алишер Навоий*. Язык птиц. – Санкт-Петербург: Наука, 2007. – С. 330 – 358.

⁶Малехова А. Н. Поэма Алишера Навоий “Лисан ут-тайр”. Поэтика композиционных и образных средств. – Автореф. дисс. ... к. филол. н. – Ташкент: Без издательства, 1978; *Она же*. Поэма Алишера Навоий “Язык птиц”. / *Алишер Навоий*. Язык птиц. – Санкт-Петербург: Наука, 2007. – С. 267 – 329.

⁷См.: Халлиева Г. Рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти: таҳлил ва талқин. / “O‘zbek mumtoz va zamonaviy adabiyotini xalqaro miqyosda o‘rganish va targ‘ib qilishning dolzarb masalalari” mavzusidagi xalqaro

кўлёмаси сақланаётган Эрондангина кейинги ўринда туради⁸. Ш. Эшонхўжаев “ЛТ”нинг илмий-танқидий матнини яратганда 9 кўлёммага таянди, шундан 4 таси Санкт-Петербургда сақланадиган нусхалар эди⁹. 2-жаҳон уруши бошланиб, қамалда қолган Ленинграддаги Эрмитажда Навоий таваллудининг 500 йиллигига бағишланган илмий конференция ўтказилгани (1941 йил, 10 декабрь) рус олимларининг жасоратидан далолат беради. Шоир асарлари фақат рус тилидагина 10 жилдлик тарзида чоп этилган¹⁰.

Яқин хорижий давлатлар олимлари томонидан “ЛТ” тадқиқи бўйича İstanbul Üniversitesi (Туркия), Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitutu (Озарбойжон), Еуразия Ўлттық Университеті (Қозоғистон) каби университет ва марказларда илмий тадқиқотлар изчил амалга оширилмоқда. Туркияда шоир асарлари 10 жилдлиги аслият тилида илмий нашр этилган, “ЛТ” унинг бир жилдидан ўрин олган¹¹. Озарбойжонда Навоий “Хамса”си тўлиқ шеърый таржима қилинди¹². Тожикистондаги Хўжанд давлат университетида Навоий ижоди, жумладан, “ЛТ” таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар яратилган¹³. АҚШда ҳам шоир ижодига қизиқиш – катта¹⁴. “ЛТ”нинг насрий баёни ўзбекчадан инглиз тилига 2 бор ўгирилди¹⁵. Уни дастлаб канадалик Гери Дик ва ўзбекистонлик Носир Қамбаров амалга оширди. Америкалик Двейн Родхивер ва ўзбекистонлик Шавкат Азимов таржимасида бу асар инглиз тилида 2-бор чоп этилди¹⁶.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “ЛТ” ҳақидаги дастлабки маълумотлар, аввало, Навоийнинг ўз ижодида учрайди. “Муҳокамат уллуғатайн”да шундай ёзилади: *“Чун “ЛТ” илҳоми била тараннум тузупмен, қуш тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз сураида кўргузупмен”*¹⁷.

konferensiya materiallari. – Тошкент: MASHHUR-PRESS, 2018. – Б. 357; Баҳодиров Р. Алишер Навоий асарларининг хорижий мамлакатлардаги кўлёммалари. / “Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги IV анъанавий илмий-амалий конференция материаллари (2021 йил, 23 – 25 ноябрь, Ўзбекистон, Навоий шаҳри). – Тошкент: Фан, 2021. – Б. 429 – 435.

⁸Халлиева Г. Рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти: таҳлил ва талқин. / “O‘zbek mumtoz va zamonaviy adabiyotini xalqaro miqyosda o‘rganish va targ‘ib qilishning dolzarb masalalari” mavzusidagi xalqaro konferensiya materiallari. – Тошкент: MASHHUR-PRESS, 2018. – Б. 430 – 431.

⁹Қаранг: Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий текст. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 31 – 40.

¹⁰Алишер Навоий. Сочинения в 10 томах. – Ташкент: Фан, 1968 (Т. 1, 3, 4, 5, 6, 7), 1969 (Т. 2), 1970 (Т. 8, 9, 10).

¹¹Ali Şir Nevayî. Lisan ü't-tayr. Hazırlayan Prof. Dr. Mustafa Canpolat. – Ankara: 1995.

¹²Əlişir Nəvayî. Heyrət ül-əbrar. Özbəkcədən uyğunlaşdıran, önsözün, qeyd və şərhlərin müəllifi: Prof. Dr. Ramiz Əskər. – Bakı: Uluslararası Türk Kültürü Təşkilatı, 2020; Əlişir Nəvayî. Fərhad və Şirin. Özbəkcədən uyğunlaşdıran, önsözün, qeyd və şərhlərin müəllifi: Prof. Dr. Ramiz Əskər. – Bakı: Uluslararası Türk Kültürü Təşkilatı, 2020; Əlişir Nəvayî. Leyli və Məcnun. Özbəkcədən uyğunlaşdıran, önsözün, qeyd və şərhlərin müəllifi: Prof. Dr. Ramiz Əskər. – Bakı: Uluslararası Türk Kültürü Təşkilatı, 2020; Əlişir Nəvayî. Səb‘ayi-səyyar. – Özbəkcədən uyğunlaşdıran, önsözün, qeyd və şərhlərin müəllifi: Prof. Dr. Ramiz Əskər. – Bakı: Uluslararası Türk Kültürü Təşkilatı, 2020; Əlişir Nəvayî. Səddi-İskəndəri. Özbəkcədən uyğunlaşdıran, önsözün, qeyd və şərhlərin müəllifi: Prof. Dr. Ramiz Əskər. – Bakı: Uluslararası Türk Kültürü Təşkilatı, 2020.

¹³Қаранг: Каюмова Ф. А. “Мантик ут-тайр” Аттара Нишопури и его тюркские ответы (на примере “Лисон ут-тайра” Навои и “Қуш тили” Ризои). – Худжанд: 2012.

¹⁴<http://uza.uz/oz/society/alisher-navoiy-izhodiga-amerika-shma-shtatlarida-izi-ish-kat-15-05-2018>.

¹⁵Alisher Navai. The Language of the Birds. A Priceless Pearl of World Literature Presented by Gary Dyck and Nasir Kambarov with Tursunkhodja Makhmudkhodjaev. – Tashkent: 2003; Шу муаллиф. The Language of the Birds. Indiana: Author House. 2006. Бу ҳақда қаранг: Аҳмедова Д. Алишер Навоий ижодига Америка Қўшма Штатларида қизиқиш – катта. – <http://uza.uz>. 2018.18.05.

¹⁶Alisher Navai. The Language of the Birds. – Indiana: Author House, 2006.

¹⁷Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 19.

Кейин Ғиёсиддин Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”ида бу дostonни “*машойихлар ва авлиёларнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, сайру сулук йўли тўғрисида бир неча китоб*”¹⁸ таркибида санаб, “*ушбу қутлуғ асарда фано йўлидаги сайру сулук ҳамда Худованд даргоҳига яқинлик мақомига етишиши йўл-йўриқлари тўғрисида ҳикоя қилиниши*”ни¹⁹, Бобур эса шоирнинг “*Мантиқ ут-тайр*” (“МТ”) вазнида “*ЛТ*” отлиқ²⁰ маснавий ёзганини қайд этади. Хоразмда Пайвандий Ризоий ҳам буюк форс-тожик шоири ва авлиё зот Муҳаммад Абу Бакр ибн Иброҳим Шайх Фаридиддин Атторнинг²¹ милодий 1177/78 йили ёзиб тугаллаган “МТ”ига ўзбек тилида жавобия битди. Олимлар унда Фоний “ЛТ”ининг ҳам таъсири борлигини қайд этади²². “ЛТ” ўзбек мумтоз дostonчилигининг кейинги асрлардаги тараққиётига муносиб таъсир ўтказди. “ЛТ”ни Россия, Туркия, Озарбойжон, Тожикистон, Хитой олимлари ҳам ўрганди.

“ЛТ” – шоир яратган 6 дostonнинг бири. Навоийшуносликда бу асарга кўп мурожаат қилинган, унинг таҳлиliga бағишланган махсус илмий ишлар ҳам ёзилган. Бироқ И. Султон ўтган асрнинг 70-йилларида бу асар ҳақида сўз юритиб, унинг: “*Ҳали мутахассислар томонидан етарли ўрганилмаган... катта фалсафий дoston...*”²³, – эканини қайд этган эди. Чунки шўро даврида асарнинг диний-тасаввуфий моҳияти даҳрийлик дунёқарашига асосланган ҳукмрон мафкурага мос келмас эди. Дoston кам ўрганилганидан ташқари, уни нотўғри талқин этиш, билмасданми, атайлабми, ундан коммунистик мафкура ғояларидан келиб чиқиб маъно-мазмун қидириш, унга матн изн бермайдиган ғояларни тақаш каби ҳоллар юз берди. Истиклол йиллари эса асарнинг холисона таҳлилини тақозо этди ва бунга имкон яратди.

Е. Бертельс, С. Айний, В. Зоҳидов, И. Султон, Н. Маллаев, А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, Б. Валихўжаев, А. Абдуғафуров, Н. Комилов, С. Ғаниева, В. Раҳмонов, М. Жонпўлат, Ш. Сирожиддинов, Д. Юсупова, О. Давлатов, У. Жўрақулов, О. Биннатова, Ҳ. Эшонкулов ва бошқа қатор олим ва тадқиқотчилар ишларида асарнинг шоир ижодида тутган ўрни қисман ёритилган²⁴. Ш. Эшонхўжаев, А. Малехова, Ш. Шарипов, З. Ҳамидов,

¹⁸Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Форс тилидан таржима, изоҳлар, кириш ва иловалар муаллифи: Комилжон Раҳимов. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б. 120.

¹⁹Ўша нашр. – Б. 121.

²⁰Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 132.

²¹Бу тасаввуф шоири ҳақида қаранг: *Абдуназар Ҳ.* Фаридиддин Аттор / Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 9. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б. 189; *Саидов А.* Атторшунослик. – Тошкент: SHARQ, 2013. – Б. 84 – 122; ۱۳۹۲: تهران: تصحيح و تالیفات دكتور محمد رضا شفیعی کدکنی. – فید الدین محمد نشا بری عطار. منطق الطیر. مقدمه

²²Ҳасанова Ш. Ризоийнинг “Қуш тили” дostonи. / *Мавлоно Ҳожа Қози Пайвандий Ризоий.* Қуш тили. – Тошкент: 2009. – Б. 26; *Шумуаллиф.* “Тўтинома” ва “Қуш тили” туркумидаги асарларнинг киёсий-типологик ва текстологик тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2016. – Б. 143– 144.

²³Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Буюк шоирнинг ҳаёти билан ижоди ўзининг ва замондошларининг тасвирида. 3-нашр. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – Б. 352.

²⁴Бертельс Е. Э. Навои и Аттар. / Мир-Али-Шир (Сборник). – Ленинград: Наука, 1928; *Он же.* Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965; *Айний С.* Танланган илмий асарлар. – Тошкент: Фан, 1978; *Зоҳидов В.* Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асари. / *Шумуаллиф.* Ўзбек адабиёти тарихидан. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1961. – Б. 16 – 46; *Он же.* Мир идей и образов Алишера Навои. – Ташкент: Художественная литература, 1961. – С. 278 – 290; *Шумуаллиф.* Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970. – Б. 377 – 404; *Султон И.* Навоийнинг қалб дафтари. Буюк шоирнинг ҳаёти билан ижоди ўзининг ва замондошларининг тасвирида. 3-нашр. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги

Ф. Исомиддинов, З. Мамадалиева, Ф. Қаюмовалар “ЛТ” тадқиқига бағишланган номзодлик, Р. Жумаев эса фалсафа доктори диссертациясини ёқлаган²⁵.

Навоий таваллудининг 550 йиллиги арафасида мамлакатимизда ўзига хос “ЛТ” шунослик юзага кела бошлади. Асарга янгича муносабатни В. Раҳмонов бошлаб берди²⁶. 1991 йили бирйўла 5 журнал айнан “ЛТ” ҳақида мақола чоп этди²⁷, З. Ҳамидовнинг рисоласи ҳам босилди²⁸.

Нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2010; *Қаюмов А.* Назм ва тафаккур қуёши. – Тошкент: Фан, 1992; *Шумуалли ф.* Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011; *Ҳайитметов А.* Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 192 – 197; *Шумуалли ф.* Алишер Навоийнинг Шайх Санъон ҳақидаги қиссаси. / *Алишер Навоий.* Шайх Санъон. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1962. – Б. 3 – 8-бетлар; *Шумуалли ф.* Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993; *Валихўжаев Б.* Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарида шеърини миниатюраларни қайта ишлашдаги маҳорати. // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1976 йил, № 6. – Б. 35 – 41; *Абдуғафуров А.* Навоий ижодида сатира. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 188 – 198; *Фаниева С.* Лисон ут-тайр. / *Ўзбек адабиёти тарихи*. 5 томлик. Т. 2. XV асрнинг иккинчи ярми. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 323 – 336; *Комилов Н.* Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O‘zbekiston, 2009; *Раҳмонов В.* Кўнгилар ҳамрози / *Алишер Навоий.* Лисон ут-тайр (Насрий баёни билан). – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 5 – 16; *Canpolat M.* Önsöz. / *Ali Şir Nevayı.* Lisan ü't-tayr. Hazırlayan Prof. Dr. Mustafa Canpolat. – Ankara: 1995. – S. XIII – XIV; *Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O.* Navoiyshunoslik. – Toshkent: Tamaddun, 2019. – B. 169 – 198; *Юсунова Д.* Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони. / <https://www.kh-davron.Uz/kutubxonasi>. 05.02.2022; *Жўрақулов У.* “Лисон ут-тайр” да хронотоп шакллари. / *Шумуалли ф.* Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 105 – 120; *Binnatova A.* Əlişir Nəvainin “Şeyx Senan” qissəsi. // *Do‘stlik bayrog‘i*, 2021-yil, 23-noyabr; *Шумуалли ф.* Lisan ut-teyr (Quş dili). / *Шумуалли ф.* Əlişir Nəvainin əsri və nəsrī (elmi-filoloji və təəvvüfi əsərləri). – Bakı: Elm və təhsil, 2023. – S. 330 – 390; *Шумуалли ф.* Qissəsi Şeyx Senan (Şeyx Senan qissəsi). / *Шумуалли ф.* Əlişir Nəvainin əsri və nəsrī. – S. 391 – 400; *Эшонқулов Ҳ.* “Лисон ут-тайр” ни янгича ўрганиш тажрибасидан. / “Алишер Навоий ва форс-тожик шеърятини” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Хўжанд: Давлат нашриёти, 2001. – Б. 31 – 32.

²⁵*Ишанходжаев Ш.* “Лисон ат-тайр” Алишера Навои (научно-критический текст). – Автореферат кандидатской диссертации на соискание научной степени кандидата филологических наук. Ташкент: 1966; *Алишер Навоий.* Лисон ут-тайр. Илмий танқидий текст. Тайёрловчи: Шарафидин Эшонхўжаев. – Тошкент: Фан, 1965; *Шарипов Ш.* Генезис и идейно-художественные особенности поэмы Алишера Навои “Лисон ут-тайр” (“Язык птиц”). – Автореф. дисс. ... к. филол. н. – Ташкент: Без издательства, 1978; *Малехова А. Н.* Поэма Алишера Навои “Лисон ут-тайр”. Поэтика композиционных и образных средств. – Автореф. дисс. ... к. филол. н. – Ташкент: Без издательства, 1978; *Ҳамидов З.* Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лисон ут-тайр” Алишера Навои. – Автореф. дисс. ... к. филол. н. – Ташкент: Безиздательства, 1982; *Исомиддинов Ф.* Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили (Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий асарлари асосида). – Филол. ф. н. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2001; *Мамадалиева З. У.* Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образлар тизими. Филол. ф. н. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2011; *Шумуалли ф.* Лисон ут-тайр. / Алишер Навоий. Қомусий луғат. 2 жилдлик. Ж. 2. – Тошкент: SHARQ, 2016. – Б. 256 – 264; *Қаюмова Ф. А.* “Мантик ут-тайр” Аттара Нишопури и его тюркские ответы (на примере “Лисон ут-тайра” Навои и “Куш тили” Ризои). – Худжанд: 2012; *Жумаев Р. Н.* “Маснавийи маънавий” ва “Лисон ут-тайр” даги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили. – Филол. ф. б. фалс. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Самарқанд: 2018.

²⁶*Раҳмонов В.* Аттор ва Навоий. // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати*, 1990 йил, 9 февраль; *Шумуалли ф.* Кўнгилар ҳамрози. / *Алишер Навоий.* Лисон ут-тайр. Насрий баёни билан. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 5 – 16.

²⁷*Гафур И.* Кўнгилинг нозиклиги. // *Ёшлик*, 1991 йил, № 2; *Муҳаммад Н.* Ўз вужудунга тафаккур айлагил (Навоий ва тасаввуф мавзусига чизгилар). // *Сирли олам*, 1991 йил, № 2; *Олим С.* Мунда Фоний бўлмади иш ўлмас тамом (“Лисон ут-тайр” ни қайта варақлаганда...). // *Шарқ юлдузи*, 1991 йил, № 2. – Б. 154 – 164; *Имомназаров М.* Симури машаққати (“Ҳақиқат ва мажоз” туркумининг учинчи мақоласи). // *Шарқ юлдузи*, 1991 йил, № 4. – Б. 159 – 166; *Ҳамидов З.* “Лисон ут-тайр” да интоқ санъати. // *Ёшлик*, 1991 йил, № 5. – Б. 75.

²⁸*Ҳамидов З.* Сўз санъати ва санъаткор маҳорати. – Тошкент: Нашриётсиз, 1991.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – “ЛТ”нинг қиёсий поэтикасини синтез, назиравийлик ва таржимавийлик жиҳатидан ўрганиб, туб ғоявий, исломий, ирфоний, фалсафий, бадий мазмунини очиб бериш, ишқнома, муножотнома, меърожнома сифатидаги хусусиятларини ёритиш, унда муаллиф кўзда тутган мақсад-муддаонинг акс этиш тамойилларини аниқлаш, унга нақшбандия тариқати ғояларининг таъсири, асар сюжети ва композициясида анъана ва тажид(новаторлик)ни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“ЛТ”нинг яратилиш омиллари, тарихи, шоир умумижоди, жаҳон адабиёти, мавзудош асарлар ўртасидаги ўрни ва аҳамияти, унинг ғоявий-тасаввуфий асоси, унда фонийлик ғоясининг талқинлари, муаллиф таҳаллуси ўзгартирилишининг асл сабабларини очиб бериш;

асарнинг ишқнома, муножотнома ва меърожнома сифатидаги ўзига хосликлари, “МТ” билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаштириш;

достоннинг жанрий хусусиятларини таҳлил этиш, назиравийлик ва таржимавийлик жиҳатидан ўзига хосликларини ёритиб, унинг таржима-назира эканини исботлаш;

достонга нақшбандия тариқати ғояларининг сингдирилиши, асарнинг лиро-эпиклик даражасини шоирнинг ўз “Хамса”сидаги достонлар ва “МТ”га қиёсан муайянлаштириб, асарда лирик қаҳрамон тимсоли масаласини ёритиш;

ҳикоятларнинг достон сюжети ва композициясидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш, асар бош қаҳрамонлари ва персонажларини таҳлил этиш;

Санъон ҳақидаги ҳикоят “ЛТ”нинг “олтин” ҳалқаси эканини исботлаб, Қақнус ҳақидаги ҳикоятнинг “МТ” ва “ЛТ”даги фарқларини аниқлаштириш;

“ЛТ”ни тушуниш ва тушунтиришда йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш, бунинг сабаблари, адабий асар таҳлилида матнга суяниш ва ундангина келиб чиқишнинг аҳамиятини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти. “ЛТ” достонининг араб ёзувидаги илмий-танқидий матни, кирилл ва лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифболарида чоп этилган нашрлари, насрий баёни, улардаги изох ва шарҳлар тадқиқотнинг манбаси вазифасини ўтади. Қиёсий асосда Аттор “МТ”ининг Эрон ва Тожикистонда чоп этилган нусхалари ҳамда Ж. Камол амалга оширган ўзбекча шеърий таржимасидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предметини “ЛТ” қиёсий поэтикасини ўрганиш, асар ғоявий-тасаввуфий моҳияти, унинг ишқнома, муножотнома ва меърожнома хусусиятини ёритиш, 1 тилдаги асарга ўша лисонда татаббуъ қилиш билан 1 тилдаги асарга бошқа забонда назира яратишнинг ўхшаш ва ўзига хос томонлари, назиравийлик билан таржимавийликнинг ўзаро қоришиқ ва фарқли жиҳатларини аниқлаштириш, асарда ҳикоятларнинг ўрни ва моҳияти, достон бош қаҳрамонлари ва персонажларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда, асосан, илмий-таҳлилий, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, статистик, структуравий усуллардан фойдаланилган, кўпроқ илмий билишнинг индуктив методига амал қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“ЛТ” ғоявий-бадий, маърифий-исломий, ирфоний-фалсафий, жанрий, лиро-эпик ўзига хосликлари асар матнидан келиб чиққан ҳолда ўрганилган, шўро мафкураси таъсирида йўл қўйилган хато ва камчиликлар очиб берилиб, унинг шоир ўз ишқини ифодалаган дoston экани исботланган;

дostonнинг тимсоллар тизимига кирувчи қушлар, инсонлар, фаришталарнинг ғоявий ҳамда бадий жиҳатлари ёритилиб, шоирнинг “ЛТ”да қўллаган таҳаллуси навоийшуносликдаги “Фоний”ни фақат унинг форс-тожик тилида битилган асарларидаги таҳаллуси сифатида кўрсатиш хато эканлиги, “фано” ва “фонийлик” тушунчалари талқинларига суянган ҳолда асарнинг ғоявий-тасаввуфий асоси, унда фонийлик ғоясининг тарғиби, шоир таҳаллуси ўзгартирилишининг асл сабаблари, дostonда лирик қаҳрамон тимсоли хусусиятлари исботланган;

дostonнинг қиёсий поэтикаси, унинг туркий, форсий ва қисман арабий адабиётлар синтези сифатидаги хусусиятлари, туб ғоявий, исломий, ирфоний, фалсафий, бадий моҳияти, ундаги ҳақиқий ишқ мажозий йўл билан тасвирланганлиги, асар ишқнома, муножотнома ва меърожнома сифатида баҳоланганлиги ҳамда дostonда нақшбандия тариқатининг “Дил – ба ёр-у, даст – ба қор”, “Хуш – дар дам”, “Назар – бар қадам”, “Сафар – дар ватан”, “Хилват – дар анжуман” ғояларининг тарғиб этилгани очиб берилган;

дoston жанрий хусусиятларини таҳлил этишда янги “назиравийлик” ва “таржимавийлик” истилоҳлари илмга олиб кирилиб, “ЛТ”нинг Навоий “Хамса”си дostonларидан фарқлари жиҳатлари ҳамда таржима-назира эканлиги исботланган;

ҳикоятларнинг асар сюжет ва композициясидаги ўрни ва аҳамияти, Санъон ҳикоятининг “ЛТ”нинг “олтин” ҳалқаси эканлиги, Қакнус ҳикоятига Аттор ва Фонийнинг оҳорий ёндашуви ёритилган, дostonдаги мутаносиблик қонунияти ва унинг айрим бузилиш ҳолатлари, лиро-эпик асарда лирик қаҳрамон тимсоли масаласи “ЛТ”ни “МТ” ҳамда Навоий “Хамса”си дostonларига қиёслаш асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

“ЛТ”нинг яратилиш омиллари, тарихи, шоир ижодида тутган ўрни ва аҳамияти, дostonда лирик қаҳрамон тимсолининг ўрни ва аҳамияти, “Фоний” таҳаллусини қўллашга сабаб бўлган омиллар аниқланган;

“ЛТ”нинг қиёсий поэтикаси шоирнинг “Хамса”сига кирган дostonлари, “Маҳбуб ул-қулуб”и, “Насойим ул-муҳаббат...”и, айрим лирик асарлари ҳамда Атторнинг “МТ”и билан солиштирган ҳолда тадқиқ этилган;

асарнинг жанрий хусусиятлари таҳлил этилиб, назиравийлик ва таржимавийлик жиҳатидан ўзига хосликлари асослаб берилган, дostonда нақшбандия тариқати ғояларининг кенг ва дақиқ тарғиб этилгани, ҳикоятларнинг асардаги ўрни ва аҳамияти белгиланиб, Санъон ҳикоятининг “ЛТ”нинг “олтин” ҳалқаси экани исботланган;

“ЛТ” композицияси, унда асосий сюжет билан бобларга иллюстрация бўлиб келган ҳикоятлар ўртасидаги боғлиқликлар, ҳикоятларнинг “макро” ва “микро” вазифаси кўрсатилган;

достондаги мутаносиблик қонунияти ва унинг айрим бузилишлари ҳолатлари тадқиқ этилиб, лирик қаҳрамон тимсоли хусусиятлари, ўрни ва аҳамияти далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий муаммонинг аниқ-тиник, муайян тарзда қўйилгани, соҳанинг энг сўнгги ютуқларига суянилгани, илмий-таҳлилий, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, статистик структуравий усуллар ҳамда илмий билишнинг индуктив методидан фойдаланилгани, кўплаб факт ва далилларга суянган ҳолда ҳаққоний ва холис хулосалар чиқаришга ҳаракат қилингани, тадқиқот объекти бўлган мумтоз адабий асарнинг илмий-танқидий матни ва илмий нашрларига суянилгани, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “ЛТ”нинг қиёсий поэтикаси замонавий илмий талаблар асосида изчил тадқиқ этилгани, асар синкретик ижод намунаси сифатида миллий адабиётлар аро анъана, тажид ва ижодий таъсир асносида таҳлил этилгани, бунда 1 тилдаги адабий ёдгорликка 2-забонда назира ёзишнинг ўзига хосликлари, шоир бадиий маҳоратининг муайян қирралари ёритилгани, синтез, назиравийлик ва таржимавийлик масалалари назарий ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти бевосита ўзбек адабиёти тарихи, мумтоз достоннавислик, бадиий асарнинг тасаввуф билан ғоявий алоқадорлиги, адабий алоқалар, ижодий таъсир, поэтика, таржима тадқиқида, шу йўналишдаги дарслик, ўқув қўлланмалари ва луғатлар тузишда, ўзбек адабиёти ва таржимашунослик фан сифатида ўқитиладиган олий таълим муассасаларида Шарқ мумтоз поэтикаси асослари, адабий асарнинг тасаввуфий талқини, навоийшунослик, таржимашунослик йўналишларидаги махсус курслар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, натижа ва ишланмалар асосида:

“ЛТ” ғоявий-бадиий, маърифий-исломий, ирфоний-фалсафий, жанрий, лиро-эпик хусусиятлари, бу асар шоирнинг ўз ишқи ҳақидаги достони эканидан ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2012 – 2016 йилларда амалга оширилган *“Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратishi”* мавзусидаги фундаментал ҳамда 2018 – 2019 йилларда бажарилган *“Навоий қомусини нашрга тайёрлаш ва чоп этиши”* мавзусидаги амалий лойиҳада, шунингдек, ЎзР ФАнинг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида фойдаланилган (асос: ЎзР ФАнинг 2023 йилнинг 10 январидagi 3/1255-51-сон хати). Натижада *“Фоний”* Навоийнинг ҳам форсий, ҳам туркий таҳаллуси, “ЛТ” ишқнома, муножотнома, меърожнома асар, Санъон ҳақидаги ҳикоят “ЛТ”нинг “олтин” ҳалқаси экани, достонда қушларнинг 7 водийдан ўтиши Муҳаммад(с. а. в.)нинг меърожи билан вобасталиги, “ЛТ” ва жаҳон адабиёти, “ЛТ” генезиси, айниқса, унинг

Атторнинг “МТ”и билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақидаги маълумотлардан, “ЛТ”да композициявий қатъиятлар ва айрим номутаносибликлар, дostonнинг композициявий ўзига хосликлари, унда нақшбандия ғоялари тарғиби, Симуруғ, Худхуд, лирик қаҳрамон, Аттор, Санъон тимсоллари, “ЛТ”нинг Навоий “Хамса”си дostonлари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, шоир асарларининг хорижий тилларга таржималари билан боғлиқ маълумотлар асосида “Алишер Навоий” қомуси мақолалари тайёрланган. Давлат адабиёт музейидаги “Алишер Навоий” номли экспозицияни қайта ташкил этишда шоир ижоди бўйича топширилган маълумотлар унинг “ЛТ” дostonи адабий, фалсафий, ирфоний моҳияти, унинг қўлёзма, тошбосма ва нашрий нусхалари, таржималари, қиёсий поэтика, синтез, назиравийлик ва таржимавийлик масалалари бўйича маълумотлар музейнинг электрон каталогини тайёрлашга ва “ЛТ” дostonи туб моҳиятини ёритиш, унинг қиёсий поэтикасини кенг таҳлил этишга хизмат қилган;

“ЛТ” тимсоллар тизимида кирувчи қушлар, инсонлар, фаришталар тимсоллари, унда қўлланган “Фоний” таҳаллусидан ЎзР ВМ ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази фаолиятида фойдаланилган (асос: ЎзР ВМ ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг 2022 йил 22 ноябрида берилган 868-сон далолатномаси). Натижада диссертациядаги “ЛТ” хусусиятларини тадқиқ этиш, адабиётшуносликнинг долзарб масалалари таҳлили ва илгари сурилган таклиф ва хулосалар асосидаги илмий хулосалар тасаввуф ва хаттотлик экспозицияси бўлимини шакллантиришда татбиқ этилган;

“ЛТ”да “фано” ва “фонийлик” тушунчалари талқинларига суянган ҳолда асарнинг ғоявий-тасаввуфий асоси, унда фонийлик ғояси тарғиби, шоир таҳаллусининг ўзгартирилиши асл сабаблари, дostonда лирик қаҳрамон тимсоли хусусиятларидан Ўзбекистон МТРК “Madaniyat va ma’rifat telekanali” давлат муассасаси фаолиятида фойдаланилган (асос: Ўзбекистон МТРК “Madaniyat va ma’rifat telekanali” давлат муассасасининг 2022 йил 22 ноябрида берилган 01-02-03/213-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот хулосалари “Тонг нафаси”, “Башарият сиймолари”, “Биргаликда ўқиймиз” кўрсатувлари, “ЛТ” таҳлил этилган махсус кўрсатув тайёрлашга асос бўлган;

“ЛТ” қиёсий поэтикаси, туркий, форсий ва қисман арабий адабиётлар синтези сифатидаги хусусиятлари, туб ғоявий, исломий, ирфоний, фалсафий, бадий моҳияти, мажозий ишқ хусусиятларидан Ўзбекистон МТРК “Ўзбекистон тарихи” телеканали фаолиятида фойдаланилган (асос: Ўзбекистон МТРК “O‘zbekiston teleradiokanali” давлат муассасасининг 2022 йил 23 ноябридаги 06-28-1986-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот материаллари асосида “Мавзу”, “Аслида қандай?..” ва “Шарқ қўлёзмалари” кўрсатувлари сценарийлари тайёрланган;

“ЛТ” ишқнома, муножотнома ва меърожнома сифатида баҳоланганлиги ҳамда дostonда нақшбандия тариқатининг “Дил – ба ёр-у, даст – ба қор”, “Хуш – дар дам”, “Назар – бар қадам”, “Сафар – дар ватан”, “Хилват – дар анжуман” ғоялари тарғиб этилганидан Республика таълим маркази фаолиятида фойдаланилган (асос: ЎзР Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги

Республика таълим марказининг 2022 йил 13 декабридаги 01/11-01/1-1841-сон далолатномаси). Натижада диссертация материаллари диссертант иштирокидаги “Ўзбек адабиёти” бўйича ўқув дастури (5 – 11-синфлар, 1991, 2006), мажмуа (10-синф, 1993, 1995, 1997), дарслик (8-синф, 2006, 2010, 2014, 2019), “Ўқитувчилар учун методик қўлланма” (8-синф, 2006), “Одобнома” дарслиги (4-синф, 2009), “Миллий гоя, мафкура, маънавият” (2014) ва “Миллий гоя ва маънавият асослари” (2015) қўлланмаларини тузишга асос бўлган;

“ЛТ” жанрий хусусиятларини таҳлил этишда қўлланган “назиравийлик” ва “таржимавийлик” истилоҳлари, дostonнинг таржима-назира эканидан Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятида фойдаланилган (асос: РМММ хузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтининг 2022 йил 22 ноябридаги 345-сон далолатномаси). Натижада диссертация материаллари ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ва илмий-амалий анжуманлар йўналишини белгилашга асос бўлган, диссертантнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгаши орқали чоп эттирган “Давлатимиз рамзлари” (Ш. Жумаев билан ҳамкорликда, 2002), “Байрамларимиз” (2008, ўзбек, рус ва инглиз тилларида), “Навоий – ёшларга” (2008), “Давлат рамзлари” (2013), “Маънавий баркамоллик сир-синоати” (2015), “Тил ва адабиёт сиёсати” (2016) китобларида “ЛТ”нинг бугун учун ибратли жиҳатлари кўрсатиб берилган;

Асар сюжети ва композициясида Санъон ҳикоятининг ўрни, унинг дoston “олтин” ҳалқаси экани, Қақнус ҳикоятига Аитор ва Фонийнинг оҳорий ёндашуви ёритилганидан “Тафаккур” ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журнали фаолиятида фойдаланилган (асос: “Тафаккур” ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журналининг 2022 йил 15 ноябридаги ТФ-15-сон маълумотномаси). Натижада диссертантнинг “Навоий ва туркий қавмлар” (2000, № 1. – Б. 62 – 75), “Лисон ут-тайр”нинг “олтин” ҳалқаси” (2001, № 4. – Б. 34 – 47), “Чигатой лафзи ила рақам урдим...” (2005, № 3. – Б. 94 – 101), “Навоий қандай мутолаа қилган?” (2017, № 3. – Б. 54 – 61), “Қақнус: аиторона, навоиёна...” (2019, № 3. – Б. 70 – 73) мақолаларида “ЛТ” таҳлил қилиниб, унинг илғор ғоялари ёритилган, маънавий аҳамияти кўрсатилган;

Дostonдаги муаносиблик қонунияти ва унинг айрим бузилиш ҳолатлари, лиро-эпик асарда лирик қаҳрамон тимсоли хусусидаги маълумотлардан “Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази фаолиятида фойдаланилган (асос: “Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот марказининг 2022 йил 28 октябридаги МЛ-01/01-54-сон маълумотномаси). Натижада “ЛТ”ни Навоий “Хамса”си таркибига кирган дostonлар ва Аитор “МТ”и билан қиёслаш орқали илғари сурилган миллий адабиётлар ва маданиятларнинг ўзаро таъсири ва уйғунлиги, комил инсон ғоясининг ҳозирги замон учун тарбиявий аҳамияти ҳақидаги хулосалар маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 22, жумладан, 12 халқаро (3 таси хорижда ўтказилган) ва 10 республика

илмий-амалий анжуман ва семинарда апробациядан ўтказилиб, уларнинг маъруза матни ёки тезиси эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 1 монография, 4 рисола, жами 57 та илмий иш чоп этилган (ўзбек, рус ва инглиз тилларида). Уларнинг 6 таси хорижда нашр қилинган. Шулардан 14 мақола ЎЗР Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги ОАК томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрлар (2 таси хорижий журнал)да чиққан.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот “*Кириш*”, 4 мустақил боб, “*Хулоса*” ва “*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*”дан ташкил топган. Ҳар бир боб, ўз навбатида, фаслларга бўлинган. Ҳар бир боб бўйича хулосалар берилган. Ишнинг умумий ҳажми – 279 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

“**Кириш**”да диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазибалари, объекти, предмети, усуллари, илмий-амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорийланиши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “**Достоннинг умумий поэтик хусусиятлари**” деб номланган 1-боби 4 фаслга бўлинган.

“**Достоннинг яратилиш тарихи, омиллари**” деган 1.1-фаслда “ЛТ”нинг яратилишига асос бўлган омиллар, унинг ёзилган йили ва битилиш жараёнлари муаллифнинг ўзи достонда келтирган қайдлар ҳамда шоир замондошлари билдирган фикр-мулоҳазалар асосида баён этилади. Қушлар билан боғлиқ бу мавзуда “ЛТ”гача яратилган бадий асарлар ҳам бир ситра кўриб ўтилади. Асарнинг Навоий достонлари орасидаги ўрни ва аҳамияти кўрсатилади, композицияси ва бошқа умумий поэтик хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилади.

Навоий 6 та достон ёзган. 5 таси – “Хамса” таркибида. Беш достонли бу эпопеяни у 42 – 44 ёшларида (1483 – 1485 йиллари) битди. “ЛТ”ни – 57 – 58 ёшларида (хижрий 904²⁹, милодий 1498/99 йили) яратди. Бу 6 достон ҳам – назира (ёки татаббуъ, жавобия, ўхшатма, пайрав). Муаллифнинг ўзи уни “*таржума расми бил*а” (Б. 295) ёзганини қайд этади.

Қушлар тимсоллари асосидаги “Рисолат ут-тайр” (“Қушлар ҳақида рисола”) деган биринчи асарни Абу Али ибн Сино (980 – 1037) ёзган.

²⁹“ЛТ”нинг охириги бобида шоир шундай деб ёзади:

*Йил тўқуз юз ўтмиш эрди доғи тўрт, –
Ким улуснинг кўнглига солди бу ўрт*

(Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 12. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 302 (Бундан кейин шу нашрдан олинган парчаларнинг саҳифаси қавсда бериб борилади).

Кейинчалик Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий (1040 – 1111) шу номда асар битди. Шаҳобиддин Сухравардий (вафоти – 1191) “Рисолайи мусаммо ба сафари Симурғ” асарини яратди³⁰. Аттор(тахминан 1148/51 – 1219/21)нинг “МТ”ига буларнинг бевосита таъсири бўлган. Бироқ “МТ” – йирик шеърый асар. Шу жиҳати билан у номлари зикр этилган асарлардан кескин ажралиб туради. Аттор кўп дostonлар ёзган. Лекин Навоий: “МТ” – *Атторнинг барча дostonлари ичида энг зўри*”, – деб ҳисоблайди:

Бир тараф – бориға ойину шараф,

“Мантиқ ут-тайр”ига ойин – бир тараф (Б. 30).

“ЛТ” – айнан ана шу “МТ”га жавобия тарзида битилган.

Достон – 193 бобдан иборат. Ҳажман 3 минг 598 байт, яъни 7 минг 196 мисрани ташкил этади. Албатта, “ЛТ” – шоирнинг энг кичик дostonи. У ўзига доминанта бўлган 4 минг 838 байтгли “МТ”дан 1 минг 240 байт кам. Халаф салаф асари маъно-мазмунни имкон қадар ихчам тарзда ифодалаш йўлини тутган. Композициявий жиҳатдан асар 4 қисмдан иборат: 1. Анъанавий кириш – 13 боб (1 – 13-боблар). 2. Қушлар сайри билан боғлиқ асосий сюжет (эпик қисм) – 156 боб (14 – 169-боблар). 3. Лирик қаҳрамон муножоти (лирик қисм) – 19 боб (170 – 188-боблар). 4. Хулоса – 5 боб (189 – 193-боблар). Бошқа туркий асарларидан фарқли ўлароқ, шоир “ЛТ”да форс-тожик тилидаги шеърларида ишлатиб келган “Фоний” тахаллусини қўллаган³¹.

*“Навоий ижоди – бир калит. Бу калитни қўлга киритган одам ҳам мумтоз адабиёт сирларини эгаллайди, ҳам Шарқ маънавияти хазинасига эшик очади”*³². “ЛТ” эса – шоир умумижоди моҳиятини англаш учун калит.

1.2-фаслда **“Асарнинг бош қаҳрамонлари ва персонажлари”** таҳлил этилади. Бош қаҳрамонларга қуйидагилар киради: 1. *Аллоҳ* (таърифи). 2. *Муҳаммад пайғамбар* (с. а. в.). 3. *Ҳудҳуд*. 4. *Достоннинг лирик қаҳрамони*. Персонажлар 3 гуруҳга бўлинади: 1) кушлар тимсоллари; 2) инсонлар тимсоллари; 3) фаришталар тимсоллари. Бош қаҳрамонлар бўлган *Симурғ* билан *Ҳудҳуддан* ташқари кушлар 4 гуруҳга бўлинади: 1) *Ҳудҳуднинг Симурғ сари даъватига мушарраф бўлган*; 2) *Симурғ сари дастлабки парвоз амалга ошганидан кейин йўл азобидан қўрқиб, Ҳудҳудга ўз узрини айтган*; 3) *Ҳудҳудга Симурғ васлига етиш билан боғлиқ масалаларда савол берган*; 4) *дostonнинг Симурғ сари парвоз билан боғлиқ асосий сюжети тугаганидан кейин учрайдиган кушлар*. Инсон персонажлар: 1) мамдуҳ персонаж(чаҳорёрлар – Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрат Умар Форуқ, Ҳазрат Усмон, Ҳазрат Али ҳамда Аттор)лар; 2) ҳикоятларда тасвирланган персонажларга бўлинади.

Жами 193 бобнинг 64 таси – ҳикоят. Бу боблар сонининг 33 фоизини ташкил этади. Диссертацияда ҳикоятлардаги инсон персонажлар фаришталар,

³⁰Қаранг: *Шарипов Ш.* “Лисон ут-тайр” ҳақиқати. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 15.

³¹Бунинг сабаблари ва моҳияти диссертациямизнинг 2.1-фаслида махсус таҳлил қилинади.

³²*Комилов Н.* Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 317.

пайғамбар(а.)лар, чаҳорёрлар, ҳукамо³³, авлиёлар, ҳукмдорлар³⁴, кўпчилик (халқ, эл), анъанавий адабий қаҳрамонлар, номаълум шахслар тимсоллари сифатида тасниф қилинади. Достонда бу тимсоллар галереяси бутун бир панорамани ташкил этади. Ҳамма ҳикоятларда ҳам инсон тимсоллари иштирок этавермайди (164-бобда – шам ва парвона қатнашади).

1.3-фасл “*Достонда Аттор тимсоли*”ни ёритишга бағишланган. Аттор тахминан 1148/51 йили туғилиб, 1219/21 йили мўғул аскарлари қўлида шахид бўлган³⁵. Модомики, “ЛТ” учун “МТ” доминантлик қилган экан, унда Аттор тимсолининг яратилганини кўриб ўтиш қиёсий поэтика доирасига киради. Бироқ бунинг учун диссертацияда Навоийнинг бутун ижодида бу улуг зотга муносабат масаласи ялпи ҳолда кўриб чиқилган.

Навоий ўзидан олдин ўтган форс-тожик шоирлари ижодини пишиқ-пухта ўрганди, шу бой сўз санъатидан озиқланди, ўз олдида ўзбек тилидаги адабиётни форсий сўз санъати эришган ана шу юксак даражага кўтаришни олий бир мақсад янглиғ ўз олдида қўйиб, ижод қилди. Аттор ҳам унинг устозлари сафида туради. Шоир 7 асарида Атторни эслаган: 1. Атторга бевосита муносабат акс этган асарлар (“ЛТ”, “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват”). 2. Атторга билвосита муносабат акс этган асарлари (“Маҳбуб ул-қулуб”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”). “Насойим ул-муҳаббат...”да “*махлас ниёзмандлардин баъзи*”, яъни ихлосманд умидворлардан бири (бу Навоийнинг ўзи эди) Аттор қабри узра чиройли иморат қурдиргани қайд этилади³⁶.

“ЛТ”да Аттор ва унинг “МТ”ига муносабатларданок кўп нарса ойдинлашади. “ЛТ”даги 6 боб(13-, 169-, 173-, 174-, 189-, 191-боблар)да муаллифнинг бевосита Аттор ва у ёзган “МТ”га муносабатини очиқ-ойдин ва атрофлича билдириб ўтади. Халафнинг салафга муносабати кўлами бўйича “ЛТ” ўз “Хамса”си достонларидагидан кескин фарқ қилади. “Хамса” достонларининг бирортасида салаф таърифи ёки унга муносабат учун бунчалик кўп боб ажратилмаган.

Фаслда Аттор айнан қандай сўз ва ифодалар билан таърифлангани атрофлича кўриб чиқилган. “ЛТ”нинг бирор ерида “МТ” танқиди ёки унинг муаллифига заррача эътироз – йўқ. Халафнинг салафга муносабатида устоз-

³³Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида “*ҳукамо*” деганда антик даврда яшаб ўтган улуг алломалар(масалан, Лукмон ҳаким, Фишоғурс ҳаким, Жомосб ҳаким, Букрот ҳаким, Букротис ҳаким, Сукрот ҳаким, Афлотун ҳаким, Аристотелис ҳаким, Балинос ҳаким, Жолинос ҳаким, Батлимус ҳаким, Содик ҳаким)ни кўзда тутган (*Қаранг: Алишер Навоий*. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 97 – 194). Биз ҳам бу атамани шу маънода қўлладик.

³⁴Ҳар қандай таснифда бўлгани каби, бу таснифимизда ҳам шартлилик – мавжуд. Масалан, Маҳмуд (Ғазнавий) тимсоли, гарчи у подшоҳ бўлган бўлса ҳам, айнан анъанавий адабий қаҳрамонлар сирасига ҳам киради. Аммо биз уни ҳукмдорлар гуруҳига киритдик. Искандар (Мақдуний) ҳам – шоҳ, лекин адабиётда унинг тимсоли яратилган асарлар – жуда кўп. Уни ҳам ҳукмдорлар сирасига киритдик.

³⁵*А б д у н а з а р* Ҳ. Фаридиддин Аттор. / Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 9. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б. 189.

³⁶Бу ҳақда *қаранг*: “*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай...*” ёки Навоий ҳаёти ва ижодида ҳомийлар ва шифокорлик фазилатлари талқини хусусида. Таниқли навоийшунос С. Ғаниева билан журналист Б. Хидирова суҳбати. // Солиқ ва дунё, 2006 йил, 3 апрель.

шогирдликдан ташқари, соф тасаввуфона пир-муридлик муносабатлари ҳам юзага чиқади.

“ЛТ”нинг жаҳон адабиётидаги ўрни ва аҳамияти – алоҳида, махсус монографик тадқиқотга асос бўладиган катта ва жиддий мавзу. Бу, камида, қуйидаги 3 йўналишда тадқиқот олиб боришни тақозо этади: 1. “ЛТ”– жаҳон адабиётининг синкретик ҳосиласи сифатида. 2. “ЛТ”нинг жаҳон адабиётида тутган ўрни ва мавқеи. 3. “ЛТ”нинг жаҳон тилларига таржималари.

Диссертациянинг *“Лисон ут-тайр” ва жаҳон адабиёти* деб номланган 1.4-фаслида дoston қиёсий поэтикасини тадқиқ этиш учун зарур бўлган даражадагина бу масалага бир оз ойдинлик киритиб ўтилган.

“МТ”и яратилганидан бир аср ўтиб (1317 йили) эса усмонли турк шоири Гулшаҳрий “МТ”га жавобан шу номда дoston битади³⁷. Гулшаҳрий “МТ”и Навоийдан олдин Аттор дostonига туркий тилдаги илк назира эди. Адабиётшунос И. В. Боролина ғоявий-бадий жиҳатдан бу асарнинг Юнус Эмронинг 1307 йили битилган “Рисолат ун-нусхия”си (“Насихат китоби”) билан ҳам яқинлик борлигини қайд этади³⁸. Гулшаҳрий асари яратилганидан роппа-роса 181 йил кейин “ЛТ” ёзилди. Бироқ унда ҳам, Навоийнинг бошқа асарларида ҳам Гулшаҳрий ва унинг дostonи тилга олинмайди. Атторга Гулшаҳрий – ўзича, Фоний – ўзича назира битган. XVIII асрда хоразмлик ўзбек шоири Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоий ҳам “МТ” деган дoston яратди. Бу Аттор дostonига туркий тилда битилган 3-назира эди. Бу асарнинг бирор ерида “ЛТ” ё унинг муаллифи тилга олинмаган. Бироқ Ш. Ҳасанова Ризоийнинг *“Навоий ижодидан серунум фойдаланган”*и ҳамда улуғ шоир ва мутафаккирдан *“озуқа олиш билан бирга, унинг барҳаёт анъаналарини ўз даврига мос равишда ва ижодийлик талабларига риоя қилган ҳолда давом эттирган”*ини³⁹ алоҳида қайд этади. Уйғур шоири Иброҳим ибн Юсуф Хўтаний (XVIII аср) “МТ” деган дoston ёзган⁴⁰. Бу Аттор асарига 4-туркий назира эди. 1 форсий дostonга 4 туркий жавобия битилгани – жаҳон адабиёти тарихида фавқулodда ноёб ҳодиса. Аммо форсийда “МТ”га бирорта татаббуъ қилингани маълум эмас.

Диссертацияда “ЛТ”нинг Туркиядаги нашри⁴¹, рус тилига шеъррий таржимаси⁴², русча таржима таҳлилига бағишланган илмий мақола⁴³,

³⁷Гулшаҳрийнинг “Каромати Ахий Эврен” деган дostonи ҳам – мавжуд. Уни адабиётшунос И. В. Боролина *“турк агиографик адабиётининг илк намунаси”* деб ҳисоблайди: Қаранг: *Боролина И. В.* Турецкая литература. / История всемирной литературы. Т. 3. – Москва: Наука, 1985. – С. 569.

³⁸Қаранг: Ўша нашр. – Б. Ўша.

³⁹Ҳасанова Ш. Ризоийнинг “Қуш тили” дostonи. / *Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоий*. Қуш тили. – Тошкент: 2009. – Б. 26.

⁴⁰Қаранг: *Азизий*. Фаридиддин Аттор. Уйғурчадан Ҳабибуллоҳ Зайниддин таржимаси. // Жаҳон адабиёти, 2009 йил, № 12. – Б. 154.

⁴¹*Ali Şir Neva'yi*. Lisanü't-Ta'ayr. Canpolat M.(Haz.). Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 1996.

⁴²Қаранг: *Алишер Навоий*. Сочинения в десяти томах. Т. VIII. Язык птиц. Перевод Сергея Иванова. – Ташкент: Фан, 1970.

⁴³*Иванов С. Н.* Поэма Алишера Навои “Язык птиц” (Опыт переводческого истолкования). / Мастерство перевода, Сб. 10. 1974. – Москва: Советский писатель, 1975. – С. 135 – 159; *Он же*. К переводческому истолкованию поэмы Алишера Навои. / *Алишер Навоий*. Язык птиц. Издание подготовили С. Н. Иванов и А. Н. Малехова. – Санкт-Петербург: Наука, 2007. – С. 330 – 358; *Шумаллиф*. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonи (Таржимоннинг асл нусхани шарҳлаш тажрибаси). / Таржима санъати. Мақолалар тўплами. Китоб 4. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – Б. 195 – 220.

“ЛТ”нинг ҳозирги ўзбек тилидаги насрий баёни⁴⁴, шу насрий баённинг 2 инглизча таржимаси⁴⁵, дoston полякчага ўгирилгани⁴⁶ қайд қилинган.

2-боб “Достоннинг ғоявий-бадий моҳиятида синтез” деб номланган ва ўртага қўйилган масала 4 фаслга бўлинган ҳолда таҳлил этилган.

“Достонда фано талқини” деган 2.1-фаслда “ЛТ”даги “фано” ва “фонийлик” тушунчалари талқини ўрганилган. Асарнинг бош мавзуси – ишқ. Ишққа эса фано ва фонийликсиз етиб бўлмайди. Ислонда: “Қуръонни Қуръон шарҳлайди”, – деган қараш – мавжуд. Муайян асарни, аввало, унинг ўзидан келиб чиқиб баҳолашга асосланган бу усул Навоий ижодини ўрганиш учун жуда-жуда асқотади.

Навоий ижоди – уйғун бир тизим. Ҳар бир манзумасининг бутуни ва бўлаклари аро узвий боғлиқлик, гўзал бир уйғунлик – бор. Ана шу ягона тизимга сифмайдиган ёхуд унга зид фикр илгари сурилган бўлиши мумкин эмас. Бу тизимни эса тасаввуф бошқаради. Е. Э. Бертельс: “...Навоий ижоди бутунисича олинган бўлса ҳам, XV ўзбек адабиётининг умумий тағзамин(контекст)идан юлиб ўрганилса, янада хатарли хавфга айланади”⁴⁷, – деб ёзади. Эски навоийшунослигимиз кўпинча ана шу “хатарли” йўлдан юрди. Шоир асарларига бир томонлама, ҳатто, нукул ижтимоийёт нуқтайи назаридан ёндашув бўлди. Булар, асосан: 1) сиёсат таъсирида атайинми ёхуд билмасданми эътибор қилинмай кетилган нуқталар; 2) нотўғри талқин этилган жиҳатлар; 3) дostonни ялпи ҳолда бошқача, бу асар учун мутлақо нораво мезонларга солиб баҳолашда кўринди.

“ЛТ”да “Фоний” таҳаллусини қўллаш – дostonнинг моҳияти билан бевосита алоқадор масала. Фаслда бу махсус таҳлил этилди.

Тасаввуфда ҳол – бор, мақом ҳам – мавжуд. Мақомларга сўфий қатъий иштилишлари муайян машқлар билан эришади. Ана шу йўлларни босиб ўтиш жараёнида яна бир ҳодиса юз беради: бу – инсоннинг бир лаҳзадагина содир бўладиган муайян руҳий ҳолати. Бу тасаввуф истилоҳотида “ҳол” деб аталади. Ҳолга солиқ махсус интилиш билангина ета олмайди. Чунки бу – Аллоҳнинг ўша сўфийга тақдим этган хос шарофати, меҳрибонлиги натижасида ато этиладиган бир зумлик кайфият. “Фано” тушунчасини ҳам баъзи олимлар ана шу ҳоллар қаторига киритади⁴⁸. Фано – тариқатнинг охири, ҳақиқатнинг эса бошланиши. Сўфийнинг бутун орзу-ўйи, олий мақсади – ана шу фано поғонасига кўтарилиш, фоний бўлиш. Чунки фоний бўлмай туриб, боқий бўлишнинг мутлақо иложи – йўқ. Фано – боқийлик йўлидаги бир кўприк мисоли восита. “Фано” ва “фоний” тушунчалари талқини бутун дostonни тизма бир занжирдек тутиб туради. Воқеалар, шоирнинг ўй-хаёлию ҳис-

⁴⁴Алишер Навоий. Лисон ут-тайр (Насрий баёни билан). – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 1991

⁴⁵Alisher Nava'i. The Language of the Birds. A Priceless Pearl of World Literature Presented by Gary Dyck and Nasir Kambarov with Tursunkhodja Makhmudkhodjaev. – Tashkent: 2003; Alisher Nava'i. The Language of the Birds. Indiana: Author House. 2006. Бу ҳақда қаранг: Аҳмедова Д. Алишер Навоий ижодига Америка Қўшма Штатларида қизиқиш – катта. – <http://uza.uz>. 2018.18.05.

⁴⁶Бу таржимон 2013 йили шоир ғазалларидан намуналар ҳам таржима қилиб, чоп эттирган эди.

⁴⁷Бертельс Е. Э. К вопросу о мировоззрении Навои. / Его же. Избранные труды. Навои и Джами. Москва: Наука, 1965. – С. 449.

⁴⁸Қаранг: Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. – С. 38.

туйғулари у ёки бу ип билан фано масаласига чамбарчас боғланади. Бироқ “ЛТ” илмий рисола эмас, албатта. У айнан бадий асар бўлгани учун ҳам “фано” ва “фоний” сўзларини қайта-қайта турли шаклу шамоийлда, турфа воқеа-ходиса тасвири баҳонасида ишлатавериш имкони топилган. “Фоний” сўзи дostonда жами 31, “фано” эса жами 47, “ифно” шакли 1 карра ишлатилган. Диссертацияда буларнинг ҳаммаси бир-бир кўриб ўтилган. Энг муҳими, қушлар 7-водий ҳисобланмиш Фақру фанога етишганидан кейин уларга бақо юзланди:

*Ким магар Симурғ кўргузгай лиқо,
Бу фанолардин етишгай ул бақо.
Кўрдилар ўзни қаёнким, тушти кўз,
Аллоҳ-Аллоҳ, не ажойибдур бу сўз! –
Ким қилиб Симурғ ўттуз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул “си мурғ”у бас! (Б. 268).*

Қушлар Симурғни излай-излай, шунча азоб-уқубатли мураккаб йўлни босиб ўтишганидан кейин уни топишди, яъни уларнинг ўзи “си” – ўттиз, “мурғ” – қуш бўлиб чикди⁴⁹.

Инсон нимаеки истаса, аввал ўзидан изласин:

*Ўз вужудунгга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил! (Б. 270).*

Бироқ бундан, *Худони излаш – беҳуда, инсоннинг ўзи Худо-ку*, деган хато ва бир ёқлама хулоса чиқариш мутлақо ярамайди. Бу – бадий асар қисмини унинг умумий матнидан юлиб олиб талқин этиш бўлар эди. Нимаеки, маъно ё мазмун чикса, унга матн асос бўлиши, яъни имкон бериши – керак.

*Онглаким, сўз – ўзга, маъни – ўзгадур,
Маъни онмас, шогил улким, сўзгадур (Б. 270), –*

байти билан шоир: “қуш” деганим қуш эмас, “Симурғ” деганим Симурғ эмас, асл маъни ифодаси учун булар – бир восита, холос: сўз – бошқа, маъни – бошқа, кимки сўз билан машғул бўлиб кетса, асл маънини англай олмай қолади, демокчи.

Шарқ мумтоз адабиёти, хусусан, тасаввуф шеъриятида маънолар қават-қават бўлади. Шаклан бир сўз баён этилади, лекин биз чалғиб кетмаслигимиз, ўша сўз муайян тимсол (образ) – рамз эканини, коса тагида ҳамиша нимкоса борлигини унутмаслигимиз – керак. Шунинг учун маълум бир бадий парча ўқилгач, китобхон уни ўзи учун бир шарҳлаб олиши, шу фикрларни айтишдан шоирнинг муроди нималигини аниқлаши – лозим. Шу маънода фоний бўлиб, бақога эришиш – бир банда, бир уммат, бир шахс сифатида шоирнинг ҳам орзуси, яъни олий руҳий мақсади эди.

⁴⁹XX аср бошларида, Бухоронинг сўнги хукмдори – амир Олимхон замонасида ниҳоясига етказилган “Ситорайи Моҳи хосса” меъморий ёдгорлиги таркибидаги хоналардан бирида уч табақали кўзгу – бор. Худди рентген хоначасига киргандек, уйчага ўхшаш тошойна ичига кирасиз. Уч ёғингиздаги кўзгулар сизни бошдан-оёқ ўнлаб, борингки, юзлаб нусхада кўрсатади. Қаён боқманг, фақат ва фақат ўзингизга кўзингиз тушади. Тасаввур қилиш – мумкинки, қушлар ҳам Аллоҳ даргоҳига яқинлашганида худди шунга ўхшаш вазиятга тушган.

2.2-фаслда “Достонда нақшбандия тариқати ғоялари тарғиби” ўрганилади. Бунда ҳам нақшбандия ғояларининг қай даражада тарғиб этилгани, ҳам Нақшбанд таърифи кўриб чиқилади. “ЛТ” бу масалалар ёритилишининг кўлами жаҳатидан шоирнинг “Хамса”сидаги достонлардан алоҳида ажратилиб туради. “ЛТ”да ҳам бот-бот “нақш” калимасига дуч келамиз. Бироқ уларнинг барини ҳам шоир айнан нақшбандия тарғиби учун келтирган эмас. Чунки айрим ўринларда бу сўзни кетма-кет қўллашни Фоний Аттордан олган. Нақшбанд эса Аттордан 2 аср кейин яшаган. Шунинг учун “ЛТ”даги “нақш” талқинлари салафнинг таъсири ва бу ҳали нақшбандияга боғланмагандек. Лекин “ЛТ” мутолаасини давом эттирганимиз сари бу фикримиз ўзгара боради. Чунки шоир достондан ўзи мансуб бўлган нақшбандия тариқати ғоялари тарғиби учун унумли фойдаланади.

“ЛТ”да мавжуд Нақшбанд ҳақидаги ҳикоятда уни, *энг олий сифат, энг боэҳтиром Хожя, Ҳақ, яъни Худо ва диннинг баҳоси*, ҳатто, *шоҳ*, деб таърифлайди, Фақру фано водийси тахтини эгаллагани, йўқлик мамлакатига шоҳ бўлгани, яъни фанога эришганини айтади (*қаранг*: Б. 178). Бу комил инсонлик даражаси эса Фоний учун бир буюк орзу эди. Баҳоуддин ҳазрат ҳикоятда шу қадар бир камтар инсон – комиллик рамзи сифатида таърифланади, шоир буни, *фано қадаҳидан май ичиш*, дея қаламга олади (*қаранг*: Б. 255). Шу тариқа унга мутлақ боқийлик насиб этади (*қаранг*: Б. 179). Солик учун бу – бир меърождек шараф⁵⁰. “ЛТ”да нақшбандиянинг кўпчиликдан ажралиб турмаслик одоби Худхуднинг қушларга раҳбарлик қилишни истамагани мисолида кўрсатилади. Бу – Баҳоуддин айтган: “*Қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!*”⁵¹ – деган фикрнинг айнан ўзи.

Диссертацияда “ЛТ”да келтирилган Арастунинг шогирди ёки беҳунар боғбон ҳақидаги ҳикоятлар орқали зимдан нақшбандиянинг “*Дил – ба ёр-у, даст – ба қор*”, Худхуднинг қушларни бир жойда ўтириб қолганликда айблаши орқали “*Сафар – дар ватан*”, осмоннинг 7-қаватида ва жаннатда ўсадиган сидра дарахти устида ўтирган сокин қуш тасвири воситасида эса ҳам “*Хилват – дар анжуман*”, ҳам “*Сафар – дар ватан*”, ҳам “*Ҳуш – дар дам*” шиорлари илгари сурилгани ойдинлаштирилади. Шоир нақшбандия тариқати ақидаларини илгари сураётганига бевосита ишора ҳам қилади:

Етмайин жонига ҳажридин газанд,

Суврати васлида ҳар дам нақшбанд (Б. 62).

Худхуд, Товукнинг саволига жавоб берар экан, унинг ўзини ҳар ерда юргувчиликда ва ҳар маҳал қичқираверишда айблади. Бу танқидда ҳам “*Назар – бар қадам*” ва “*Ҳуш – дар дам*” ақидаларига ишора – бор.

Фоний моҳиятан кубравия тариқати шайхларидан бўлмиш Маждиддин Бағдодий кўлида таълим олган Атторнинг “МТ”ига содиқ қолиб, имкони – бор қадар воқеаларни зимдан ўзи мансуб нақшбандия ақидаларига мослаб талқин этади. Ҳолбуки, “ЛТ” – шоир достонлари ичида салаф асарига энг яқини.

⁵⁰Бу ҳақда қаранг: *О р и н о в М.* Етти водий таърифи. // Гулистон, 1991 йил, № 9. – Б. 18.

⁵¹Қаранг: *Алишер Навоий.* Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 263.

Қушлар парвозининг нақшбандия ақидалари сари буриб талқин этилиши “ЛТ” ва “МТ” ўртасидаги энг муҳим тафовутлардан бирини келтириб чиқарган.

“*Лисон ум-тайр*” – *ишқнома*” деб номланган 2.3-фаслда дostonнинг ишқнома сифатидаги хусусиятларини таҳлил этишда Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”идаги зукколик билан амалга оширилган шоирлар ва ошиқлар таснифига суянилган⁵². Шоирларни тасниф қилишда улар ижодига айнан тасаввуф нуқтайи назаридан туриб ёндашилади. Чунки тилга олинган 1 араб ва 20 форс-тожик шоири орасида “*малик ул-калом*” Рудакий билан “*устоди фан*” Фирдавсий – йўқ. Чунки уларнинг шеъриятида тасаввуф унсурлари мавжуд эмас. Муаллиф бу таснифда ҳақиқий маъшукқа, яъни Аллоҳга ишқ қай даражада тасвирлангани ёки тасвирланган-тасвирланмаганидан келиб чиққан эди. Шоирлар 5 гуруҳга бўлинади. 1-гуруҳ ҳақиқий ишқни куйлайди. 2-гуруҳ ҳақиқий ишқни мажозий ишқ орқали куйлайди, яъни Худонинг сирларини мажоз, яъни унинг суврати, нусхаси, рамзини тасвирлаш орқали акс эттиради. 3-гуруҳ мажозий ишқнинг ўзини куйлайди. 4-гуруҳ ҳам ҳақиқий, ҳам мажозий ишқни баравар куйлайди. Бунга муаллиф фақат Жомийнигина киритади. Мантиқан ва моҳиятан Навоий ижоди ҳам – ана шу пири ва устози дохил бўлган гуруҳга мансуб. 5-гуруҳ ҳаётни тасвирлайди, лекин бу тасвирларнинг ҳақиқий ишққа ҳеч алоқаси – йўқ. Буни муаллиф “*адно табақа*”⁵³, яъни “*наст тоифа*” деб ҳисоблайди. Худди ана шу гуруҳ асарларида дунёвий ишқ куйланиши – мумкин. Афсуски, Навоий дастлабки 4 гуруҳга кимлар киришини аниқ қилиб айтиб ўтгани ҳолда 5-гуруҳга мансуб бирон-бир шоирнинг номини тилга олмайди. Буни, *одоб доирасидан ташқари*, деб ҳисоблаган кўринади.

Диссертацияда бу таснифот туркий адабиётга ҳам тегишли экани, муаллиф камтарлик қилиб, ўзини 4-гуруҳда қайд этиб кетишни лозим топмагани, ҳақиқий ишқ ҳам, мажозий ишқ ҳам – моҳиятан битта тушунчанинг таркибий қисмларини ташкил этиб, иккаласининг замирида ҳам – амалда Аллоҳ таолога муҳаббат, яъни илоҳий ишқ ётиши, “*ҳақиқий ишқ*” билан “*илоҳий ишқ*” ўзаро тенг тушунчалар эмаслиги, “*ҳақиқий ишқ*” ва “*мажозий ишқ*” адабиётдаги ҳодисани англатиши, Худога ишқни адабиётда тўғридан-тўғри тасвирлаш усулига “*ҳақиқий ишқ*”, бирор аллегорик йўл билан тасвирлаш эса “*мажозий ишқ*” дейилиши, илоҳий ишқ тушунчаси ҳақиқий ишқни ҳам, мажозий ишқни ҳам қамраб олиши, “*мажозий ишқ*” дегани “*дунёвий ишқ*” дегани эмаслиги, дунёвий ишқ замирида Худога ишққа ишора ҳам кўзда тутилмаслиги ғоялари илгари сурилган.

“МТ”да ҳам, “ЛТ”да ҳам моҳиятан ҳақиқий ишқ куйланган. Бирок, кириш бобларни ҳисобга олмаганда, уларда тўғридан-тўғри Худо таърифи – йўқ. Симурғ рамзан Аллоҳни англатиб келган. Демак, биз бу 2 дostonни ҳар қанча ишқи ҳақиқий таърифидаги асар сифатида баҳоласак ҳам, уларда бу

⁵²Ушбу сатрлар муаллифининг куйидаги мақоласида бу тасниф нисбатан кенгрок таҳлил этилган: Қаранг: О л и м С. “Маҳбуб ул-қулуб”да шоирлар ва ошиқлар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2010, № 6. – Б. 38 – 47.

⁵³Ўша нашр. – Б. 26.

мажозий йўл билан акс эттирилган. Буни Навоийнинг ўзи “Муҳокамат ул-луғатайн”да алоҳида қайд этган⁵⁴.

“Маҳбуб ул-қулуб”даги ошиқлар таснифи билан шоирлар таснифи айнан мос тушмайди: ишқ 5 га эмас, 3 га ажратилади: 1) *авом* (омма) *ишқи* (охири никоҳ билан якунланадиган бу ишқни биз бугун “*дунёвий ишқ*” деб юритамиз); 2) *хавосс* (хос кишилар, сўфийлар) *ишқи*; 3) *сиддиқлар ишқи*. Диссертацияда бу турлар ўртасидаги фарқлар кўрсатилади. Ишқ комилликка етса, ошиқ маъшукқа айланади. Ана шунда: “*Бу ошиқ эди*”, – ёки: “*Бу маъшук эди*”, – деб ўтиришга ҳеч қандай ҳожат қолмайди. Мансур Ҳалложнинг: “*Ана-л-Ҳақ*” (“*Мен Худоман*”), – дегани ҳам – шу. Мажнундан исмини сўраганларида: “*Лайли*”, – деб жавоб қайтаргани⁵⁵ ҳам – шу. “ЛТ”да (“МТ”да ҳам) қушларнинг ўзи “*си мурғ*” (“*ўттиз қуш*”) бўлгани (*қаранг*: Б. 268) ҳам – шу. Тасаввуфда “*васл*” дегани ҳам – шу.

Диссертацияда бу таснифларга суянган ҳолда “Фарҳод ва Ширин”да хавосс, “Лайли ва Мажнун” ҳамда “ЛТ”да сиддиқлар, “Сабъайи сайёр”да эса авом ишқи тасвирлангани ҳақидаги тезис илгари сурилган.

Диссертациянинг “**Достонда лирик ва эпик шеърят синтези**” деган 3-боби 3 фаслга бўлинган.

“**Достонда эпик тасвир**” деган 3.1-фаслда “ЛТ”нинг эпиклик хусусиятлари асарнинг қушлар билан боғлиқ асосий сюжети ҳамда ҳикоятлар орқали намоён бўлишидан келиб чиқиб таҳлил этилади, ҳикоятларнинг 10 хил вазият тақозоси билан битилгани аниқлаштирилади. Достонда жами 64 та ҳикоят – мавжуд. Е. Э. Бертельс улар сонини, “*63 та*”⁵⁶, деб, хато кўрсатади. Ш. Ҳасанова ҳам шу рақамни келтиради⁵⁷. С. Ғаниеванинг: “*Айни чоғда ҳар бир ҳикоят достондаги қушларнинг саволларига жавоб моҳияти билан боғлиқ бўлиб, мақсадни теранлаштиришга, ойдинлаштиришга қаратилади*”⁵⁸, – деган хулосаси – биртомонлама. Бу қушларнинг умумий саволларига жавоблардан кейинги 3, Санъон ҳикоятидан сўнг “*бир қуш*” сифатида берган саволларига жавоблардан кейинги 22 (жами 25) ҳикоятгагина тегишли, холос. Қолган 39 ҳикоятга эса бунинг мутлақо алоқаси – йўқ. Шоир ҳар бир ҳикоятни бир муайян ғоя тасдиғи учун келтирган. Ҳар бир ҳикоятни ўзидан олдинги боб маъно-мазмун билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўқиш, тушуниш ва тушунтириш – шарт. Акс ҳолда, асардан, шунингдек, айнан шу ҳикоятни келтиришдан кўзланган асл муддаога етилмайди.

⁵⁴Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 26.

⁵⁵Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 9. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 110, 149.

⁵⁶Қаранг: Бертельс Е. Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 417.

⁵⁷Ҳасанова Ш. Ризоийнинг “Қуш тили” достони ҳақида. / “Шайх Фаридуддин Аттор Нишобурийнинг ҳаёти ва ижоди” мавзуидаги халқаро илмий анжуман. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2004. – Б. 104.

⁵⁸Ғаниева С. “Лисон ут-тайр”даги баъзи ҳикоятлар талқини / “Шайх Фаридуддин Аттор Нишобурийнинг ҳаёти ва ижоди” мавзуидаги халқаро илмий анжуман. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2004. – Б. 25 – 26.

Қушлар йиғилиб, базм тузмоқчи бўлишади. Лекин ҳунарли қушлар қолиб, бехунарлар тепароқ чиқади. Бу ноҳақликдан жанжал кўтарилади. Шунда бир одил шоҳга эҳтиёж сезишади. Ҳудхуд “Симурғ” деган шоҳдан дарак беради. Ҳамма Симурғни излаб, учишга тушади. Аммо бу пала-партиш, бебошларча парвоз бўлади. Санъон ҳикоятидан сўнг қушлар Ҳудхуддан ўзларига раҳбар бўлишни илтимос қилишади. Ҳудхуд кўнмайди. *Орамизда фарқ пайдо бўлиб қолади*, дейди. Ноилож, қуръа ташлашади. Қуръа ҳам келиб Ҳудхудга тушади:

*Қуръа солиб ҳар бирининг зотиға,
Тушти ул дам қуръа Ҳудхуд отиға* (Б. 137).

“МТ”да ҳам қуръа Ҳудхудга тушади:

قرعه افكندند بس لایق فتاد
قرعهشان بر هدهد عاشیق فتاد⁵⁹

Бироқ Ҳудхуднинг раҳбарликдан бош тортиши – Фонийнинг ўзи қўшган янги талқин. “МТ”да бирданига, ҳеч қандай баҳс-мунозарасиз қуръа ташлашга келишиб олинди. Фоний бунга мантиқий асос излади.

Диссертацияда айрим ҳикоятлар батафсил таҳлил этилиб, уларнинг дostonдаги поэтик ўрни ва аҳамияти ойдинлаштирилди. Шундай хулосага келиндики, зинҳор-базинҳор тасвирланган воқеанинг ўзигагина ёпишиб олмаслик – керак. Чунки шоир учун воқеанинг ўзи эмас, ундан келиб чиқадиган фикр – муҳим, шу – бирламчи.

“Лисон ут-тайр” – муножотнома ва меърожнома деган 3.2-фаслда дostonнинг лирик хусусиятлари, шунингдек, Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) меърожи билан чамбарчас боғлиқ жиҳатлари таҳлил этилади.

Навоий “Хамса” ёзаётганда, табиий равишда, салафлар билан беллашишга кучли мойиллик сезилиб турар, шоирнинг, қандай бўлмасин, салоҳиятини тўлалигича намоён қилгиси, кучини бир “кўрсатиб қўйгиси”, имкон қадар кўпроқ янгилик яратгиси, оҳорий, *“тарҳи тоза”*⁶⁰ асар бунёд этгиси келаверар эди. “ЛТ”ни шоир умри охирларида қоғозга туширди. Бунда 3 жиҳат намоён бўлади: 1) бу киши анча босилиб қолган, мулоҳазакорлик кучайган, жўшқинлик ўрнини оғир-босиқлик ва фалсафийликка мойиллик эгаллаган бир ёш ҳисобланади; 2) муаллифнинг “Хамса” ёзишдан кўзлаган мақсади билан “ЛТ”ни яратишдаги нияти ўртасида жиддий фарқ – бор: “ЛТ”да Аттор олдидаги шогирдона ижодий қарздорлик ҳисси устунлик қилади; 3) “Хамса”га жавоб қайтариш анъанаси Навоийгача ҳам шаклланган, у анъаналарга суяниши шарт, “МТ”га жавоб ёзиш анъанаси мавжуд эмас, у Гулшаҳрий назирасидан беҳабар эди.

“ЛТ” – лиро-эпик асар. Унинг лириклик даражаси – ҳатто, “Ҳайрат ул-аброр” лириклик даражасидан ҳам юқори. Чунки бунда муаллиф бевосита ички бандаликка хос, инсоний, сўфиёна, тасаввуфона шахсий ҳис-туйғулари,

شیخ فریدالدین محمد عطار نیشابری. منطق الطیر (مقامات الطیور). به اهتمام و تصحیح سید صادق گوهرین. شرکت انتشارات علمی و 59
۱۲۹ س. فرهنگى. Бундан кейин шу нашрдан олинган матнларнинг саҳифаси қавсда араб рақамлари билан бериб
борилади.

⁶⁰ *Алишер Навоий*. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 44.

нозик ва олий истак-муддаоларини барча маснавийларидагидан кўра кўпроқ, хўброқ ва очик-ошкорароқ тарзда ифодалаган.

“МТ” ва “ЛТ” ўртасида қарама-қаршилик эмас, яқинлик излашимиз – лозим. Буни “ЛТ”да муаллифнинг ўзи алоҳида таъкидлаган (*қаранг*: Б. 271).

“ЛТ”нинг *“Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулига еткони”* деган 169-боби билан “МТ”га боғлиқ асосий сюжет якун топади. Қушлар мақсадга – бақо васлига эришади. Кейин гўё янги бир дoston бошланади. Асарнинг охириги 24 боби (170 – 193-боблари) – тўлиқ лирик қисм. Амалда лирик чекиниш ана шу 169-боб охиридаги кўнгилга мурожаат билан бошланган сўнгги 37 байти ҳам – лирик чекиниш (*қаранг*: Б. 268 – 271). *“Ўз адоси қусури узрига тамсил”* (170-боб. – Б. 271 – 273), *“Ҳикоят”* (171-боб. – Б. 273 – 274), *“Ўз тақсирига афв истидъоси ва журмларига гуфрон илтимоси”* (172-боб. – Б. 274 – 275), *“Шайх авсофию ўзининг анга пайравлигда иттисофи”* (173-боб. – Б. 276 – 279), *“Ўзининг Шайх руҳи мададидин анга татаббуъ Қақнус тимсоли”* (174-боб. – Б. 279 – 282) бобларидан кейинги 14 боб лирик қаҳрамоннинг, худди қушлар каби, руҳан ана ўша 7 водийни босиб ўтиш илинжида қоғозга тушган. Кетма-кет 7 та илтижоларга тўла муножот ва уларга иллюстрация тарзида 1 тадан тамсил битилади. Ҳар бирида лирик қаҳрамон Аллоҳ таолодан ўзини ана шу водийдан ўтказишни илтижо қилади. Шоир “Хамса”си ҳеч бир достонида лирик қаҳрамоннинг ўз кўнглини изҳор қилиши “ЛТ”дагидек кенг миқёсда эмас. Бу жиҳатдан фақат “Ҳайрат ул-аброр”гина “Лисон ут-айр”га нисбатан яқин келади. Унда ҳам алоҳида муножотнома боблар ва бошқа боблардаги лирик чекинишларда Аллоҳ таолога илтижолар – кўп. Демак, “ЛТ” – муножотнома.

Аттор “Хусравнома”сида: *“Бизнинг “Қушлар мақомоти” (“МТ”) (асар)имиз шундайки (унда) ишқ қуши эсон меърожи (ҳисобланади)”*, – дейди:

*“Мақомоти таюр” аммо чунон аст, –
Ки мурғи ишқро меъроҷи чон аст⁶¹.*

Меърож мўъжизаси бор эканми, инсон учини орқали руҳан Аллоҳ васлига етишиши – мумкин, деган тасаввуфона орзу ҳам бўлади. Меърожда пайғамбар (с. а. в.) Аллоҳ даргоҳига боради (*қаранг*: Б. 11), ўзлигидан халос бўлади (*қаранг*: Б. Ўша) ва шу тариқа Ҳаққа етиб, васл топади (*қаранг*: Б. 12). Пайғамбаримиз (с. а. в.) – меърож мўъжизаси орқали тириклик пайтидаёқ Аллоҳ васлига мушарраф бўлган дунёдаги энг комил инсон. Сўфийлар ҳам ўз олдига шундай бир мақсад кўяди, яъни: *“Қани, энди биз ҳам, худди пайғамбаримиз (с. а. в.) каби, тириклайин Аллоҳ васлига мушарраф бўлсак”*, – деб орзу қилади, шунга интилади. Бу билан сўфийлар пайғамбарлик даъво қилаётгани – йўқ. Фақат пайғамбар(с. а. в.)га насиб этган васлга ўхшаш васлга булар ҳам – умидвор. Расулulloҳ (с. а. в.) учини мобайнида фалак водийларини босиб ўтгани сингари, сўфийлар ҳам йўлда 7 водийни босиб ўтиши – керак. Бу водийларни учиб ўтиш, аслида, сўфий қалбида кечади. Достонда эса у зоҳиран, яъни рамзангина қушларнинг парвози янглиғ

⁶¹Фаридууддин Аттор. Хусравнома. – Душанбе: Ирфон, 1990. – С. 43.

кўрсатилади. Шу маънода, *бу водийлар горизонтал эмас, вертикал маънода жойлашган*, деб тушунишимиз – зарур. Лекин осмон 7 қаватгина эмас, 9 осмон – бор⁶². Пайғамбар (с. а. в.) ана шу дастлабки 7 осмонга Буроқ ва Жаброил (а.) кўмагида парвоз қилади. Аммо зот ул-буруж – 8-осмон кўринганда Буроқ билан Жаброил (а.), худди кушдан 2 пар тушиб кетгандек, қолади. Чунки бундан бу ёғига уларга рухсат – йўқ. Ҳолбуки, яна 2 осмон – мавжуд. 8-осмондан кейин 9-фалак – арши аъло келади. Бу ёғига Муҳаммад (с. а. в.) Рафраф ёрдамида яккаю ёлғиз сайр этади. “МТ” ва “ЛТ” мантиғига кўра, сўфийлар (кушлар) пир (Ҳудхуд) раҳнамолигида 7-фалаккача кўтарила олади. Жаброил пир рамзи бўлса, унга 8- ва 9-осмонга рухсат йўқ-да:

*Чу қурб қофига еттинг, етишмади Жибрил,
Не навъ Ҳудхуд Симураг ила бўлур йўлдош*⁶³.

Ана шу 7 осмон “МТ” ва “ЛТ”да алоҳида-алоҳида 7 водий сифатида таърифланади. Диссертацияда “ЛТ”даги *Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат* ва *Фақру фано* водийлари талқинлари, уларда шоир назарда тутган моҳият, сўфийнинг комиллик (васл) сари босқичма-босқич юксала бориши қандай кўрсатилгани атрофлича таҳлил этилади.

*Фақру фано*га етган киши ўзини денгиз юзидаги мавж янглиғ сезади. Чунки бу ерда фақат денгиз – бор. Тўлқинлар эса – ҳаддан ташқари омонат. Улар қандай бир зумда пайдо бўлган бўлса, шундай бир зумда йўқ бўлиб, денгизга сингиб кетаверади. Бу билан киши бу дунёда Худодан бошқа ҳеч қандай абадий, яъни боқий нарса йўқлигини тўла англайди. Инсон руҳан, маънан камолга ета борар экан: “*Бу дунё мендан иборат!*” – деган зўр фикрга келади. Сабабки, Аллоҳнинг бу оламларни яратишдан мақсади ҳам инсон эди:

*Ким сен-ўқсен ҳар неким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ, неким мавжуд эрур.
Зотнинг ижмолига тафсилсен,
Ҳам вужуд ишколига таъвилсен* (Б. 270).

Аллоҳнинг мақсади – шунчаки одамни эмас, айнан комил инсонни кўриш. Меърожда Муҳаммад (с. а. в.) шундай юксак комиллик даражасига етган. Шу бахт сўфий учун бир мезон, барчага бир ҳаёт чироғи, бани башар учун бир буюк орзу бўлиши – зарур. Меърож – инсоннинг комиллик мезони. 7 водийдан парвоз қилиб ўтиш ҳам – меърождек гап. Меърож – пайғамбар (с. а. в.) мўъжизалари орасидаги тасаввуф учун энг олий мезон.

Шоирнинг меърож билан энг кўп ва бевосита боғланган достони – айнан “ЛТ”. Лекин “ЛТ”даги ўзликдан кечиш, жисмдан қутулиш ғоялари – бизнинг тасаввуримизда йиллар мобайнида қора бўёқлар билан шакллантирилган таркидунёчиликдан тамоман бошқа фалсафий-маънавий мазмуну моҳиятга эга. “ЛТ”нинг ахлокий-маърифий моҳияти ана шундай чуқур маъноларга асосланади. Меърож – бу дoston учун тасвирий асос. Шу маънода “ЛТ” – меърожнома. Бу – “МТ”га ҳам бирдай тегишли хулоса. Бироқ “ЛТ”да меърож

⁶²Қаранг: *Алишер Навоий*. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 11. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 9.

⁶³*Алишер Навоий*. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 4. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 177.

бевосита эмас, билвосита, яъни қушлар тимсоли орқали қаламга олинган, меърожнинг ўзи эмас, солиқлар руҳининг меърожга интилиши тасвирланган.

“Достонда композициявий қатъият, симметрия қонуниятлари ва айрим номутаносибликлар” деган 3.3-фаслда “ЛТ” асардаги композициявий қатъиятлар, симметрия қонуниятлари асосида таҳлил қилинади.

9 ўринда симметрия қонидаси бузилади: 1) Худхуд барча қушлар узридан кейин унга жавоб қайтариб, тасдиғига 1 ҳикоят айтгани ҳолда Товуғ узри(72-боб)га жавоб(73-боб)дан кейин ҳикоят келтирмайди; 2) “ЛТ”даги композициявий учлик қонидаси 74 – 76-боблардан кейин бузилиб, 77-бобда қўшимча ҳикоят берилади, достоннинг бошқа ҳеч ерида шоир бир масалага ҳаётий иллюстрация сифатида 2 та ҳикоят келтирмайди; 3) *“Искандарнинг элчиликка боргон ҳикояти”* мазмуни баёни 9 байтда тугайди (қаранг: Б. 92 – 93), шу билан боб ҳам яқун топиши керак эди, аммо шоир қушларнинг Худхудга берган саволини алоҳида боб қилмасдан, шу ҳикоят матнига улаб юборади; 4) 78-боб *“Қушларнинг йўл кайфиятин Худхуддин саволи ва онинг жавоби”* деб номланади, унда саволнинг ўзи – йўқ, у тўғридан-тўғри Худхуднинг жавобидан бошланади (қаранг: Б. 94); 5) достон *“Фоний”* таҳаллуси билан битилгани ҳолда, негадир, шоир Санъон ҳақидаги *“Ҳикоят”*(79-боб)да *“Навоий”* таҳаллусини қўллайди (қаранг: Б. 135); 6) “ЛТ”да олдиндан амал қилиб келинган симметрия қонидасига биноан, савол берилдими, энди Худхуд унга алоҳида боб тарзида жавоб қайтариши, кейин фикр-мулоҳазалари исботига 1 ҳикоят келтириши – лозим, аммо 81-бобда савол билан жавоб бир-бирига боғланиб кетади (қаранг: Б. 138); 7) 148-боб – *“бир қуш”* берган саволга жавоб, кейинги бобда ҳикоят айтилиши керак эди, бироқ, негадир, 149-боб *“Талаб водийсининг сифати”* тарзида битилади; 8) *“Қушларнинг Фано водийсининг ниҳоятининг бақо мулкидин нишон топмоғлари”* деб номланган 166-боб тугаганидан кейин ҳикоят берилмайди; 9) лирик қаҳрамоннинг, худди қушлар каби, 7 водийни босиб ўтиши жараёни тасвирию баёни бошланганидан кейин ҳар водий адосида 1 тадан муножотга ҳаётий далил сифатида берилган 7 ҳикоятнинг 6 таси *“Тамсил”* деб номланиб, 178-бобга эса *“Ҳикоят”* (қаранг: Б. 284) деган хато сарлавҳа қўйилади.

3 ерда симметрия қонидасининг бузилишига ўхшаш ҳолатлар юз берган: 1) чаҳорёрлар мадҳидан кейин уларга 1 тадан ҳикоят берилгани ҳолда, Атор мадҳига бағишланган 13-бобдан кейин ҳикоят – йўқ, *бу онгли равишда амалга оширилган*, деб ҳисоблаймиз, чунки боб достоннинг қушлар билан боғлиқ асосий сюжетини яқунлаган *“Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулига еткони”* деб номланган 169-, *“Шайх авсофию ўзининг анга пайравлигда иттисофи”* деган 173- ва *“Ўзининг Шайх руҳи мададидин анга татаббуъ Қақнус тамсили”* номли 174-бобларда бевосита Атор ҳусусида сўз боради учун шоир бу ерда алоҳида ҳикоят келтириб ўтишни ортиқча билган кўринади; 2) *“Фақру фано водийсининг адоси”* деб номланган 161-бобга илова тарзида кетма-кет 5 ҳикоят келтирилади, аммо бу ерда ҳам муаллиф мақсадли тарзда шундай йўл тутган бўлиши – мумкин; 3) *“Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулига еткони”* деб номланган 169-боб ҳам амалда сюжетга алоқадор воқеа баёни бўла туриб, унга ҳам ҳаётий-воқеий ҳикоят илова қилинмаган, аслида,

шу боб билан бемалол асар ҳам тугаши мумкин эди, бироқ бу ёғига шоир ўз ички дардини тўкиб солишга ўтади, асарнинг соф лирик қисми бошланади, 169-боб амалда дostonнинг ана шу 2 қисмини ўзаро боғлаш вазифасини ўтагани учун шоир ҳикоят илова қилишни маъқул топмаганга ўхшайди.

“ЛТ” жуда қисқа фурсатда, шоирнинг ўз қайдлари асосидаги ҳисоб-китобларимизга кўра, 80 кунда ёзиб тугаллаган. Дostonни муаллиф кечалари, бошқа кундалик юмушлардан халос бўлганидан кейин битган. Шунинг учун шошиб ишлаган, жуда тезкорлик билан қоғозга туширган. Шоир кўнглида бу асар ёзилмай қолишидан кучли хавотир бор эди (*қаранг*: Б. 295). Адабий ижод – мураккаб меҳнат тури. Муаллиф ҳам – инсон. У ҳам чарчаши, адашиши, чалғиб қолиши – мумкин. Жаҳон адабиётининг “ЛТ”дек буюк ёдгорлиги хусусиятларини борича ўрганиш – илмнинг муқаддас вазифаси.

“Дostonда назиравийлик ва таржимавийлик синтези” деб номланган 4-бобда “ЛТ”нинг назиравийлик ва таржимавий хусусиятлари ўзаро уйғунликда таҳлил этилади.

“Дostonда назиравийлик ва таржимавийлик моҳияти” деган 4.1-фаслда *“таржима”* ва *“назира”* тушунчалари мавжудлигидан келиб чиқиб, *“таржимавийлик”* ва *“назиравийлик”* ифодалари илк бор қўлланаётгани асосланади. Бунда шоирнинг дostonни *“таржума расми била”* (Б. 295) ёзганини қайд этганига суянилади. Адабиётшунослигимизда *“назира”* атамасининг *“жавобия”*, *“татаббуъ”*, *“ўхшатма”*, *“пайрав”*, *“тавр”*, *“услуг”*⁶⁴ каби маънодошлари ҳам қўлланади. *“Сайёр сюжет”* истилоҳи ҳам – бор. Баъзан бу *“назира”* тушунчаси билан маънодошдек ишлатилаверади. Бироқ буларни аралаштириб юбормаслик – керак. Диссертацияда улар ўртасида нозик фарқлар баён этилади ва шу тариқа “ЛТ”нинг назиравийлик хусусияти Навоийнинг “Хамса”сига кирган дostonлардаги назиравийлик хусусиятидан кескин фарқ қилиши аниқлаштирилади. Навоийнинг “Хамса”си – туркийда битилгани биланоқ Деҳлавий “Хамса”сидан кўра оҳорийроқ. Бу хусусият – “ЛТ”га ҳам бирдай тегишли. “Хамса” дostonларидан фарқли ўлароқ, бу асарда назиравийлик хусусияти таржимавийлик хусусияти билан уйғунлашиб кетган. “МТ” ва “ЛТ” қиёси бир йўла форсий-туркий шеърият вобасталигини ойдинлаштириш, шеърият равнақида тасаввуфнинг ўрнини белгилаш, Аттор ва Фоний муносабатларини ёритиш, адабиётлараро синтез қонуниятларини таҳлил этиш, назираларнинг турларини аниқлаштириш, назиравийлик ва таржимавийлик хусусиятларини муайянлаштириш, *“таржима-назира”* деган форсий-туркий адабиётлараро ўзига хос ижодий ҳодисанинг муҳим жиҳатларини илман кўрсатишга хизмат қилади.

Оҳорий асарга назира билан назирага назира битиш жараёни айнан 1 хил кечмайди. 1 асарга ўша тилда назира айтиш – бошқа, 1 асарга ўзга тилда назира битиш – бутунлай бошқа масала. Навоий қаламига мансуб 6

⁶⁴“Девони Фоний”да муаллиф *“Дар татаббуъи Махдум”* деган сарлавҳа билан берилган ғазалдан кейин *“Дар ҳамон тавр”* ва *“Дар ҳамон услуб”* деган сарлавҳалар билан ғазал жойлаштиради. Булар – ҳам амалда Махдум (Жомий) ғазалига назира. *Қаранг*: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 19. – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 102, 104, 106.

достоннинг ҳар бири – эски ўзбек тилида форс-тожик адабиётидаги муайян муаллиф достонига назира. Булар назиранинг алоҳида турига киради. Айнан бошқа тилда битилгани учун ҳам бу татаббуъларни, шартли равишда, *таржима-жавобия* деб ҳисоблаш – керак. Шунда илмий тақсимот (дифференциация) ёки тасниф (классификация) қилиш тўғри бўлади: 1 тилдаги асарга шу тилдаги назирани 1 забондаги асарга ўзга забондаги назирадан аниқ ажратиб олган бўламиз. Бироқ буни ҳеч ким: “*Навоий достонларида таржимонлик қилган, дейиляптими?*” – деб тушунмаслиги – лозим. Бу ерда гап 1 тилдаги асарга 2-забонда жавоб ёзиш жараёнида, табиий равишда, таржимага хос ижодий жараён кечиши ҳақида бораётир. 2-тилда назира битаётган муаллифнинг ўз тилида ўша доминанта асарга мос келадиган янги-янги ифода, тимсол ва баён намуналарини топишига тўғри келади. Бундай тасниф Навоий достонларининг назиравий хусусиятларини ўрганиш, улардаги типик ва ўзига хос жиҳатларни илмий аниқлаштиришни осонлаштиради. Бироқ “Хамса” достонларининг назиравий табиатига, асосан, адабий, “ЛТ”нинг назиравий табиатига эса ҳам адабий, ҳам тасаввуфий ҳодиса сифатида қарашимизга ҳам тўғри келади. Фаннинг эндиги вазифаси эса Атор ва Фоний достонлари ўртасидаги ялпи вобасталикни тўла-тўқис, яъни ҳартарафлама очиб беришдан иборат бўлиши – лозим. Ана шунда “ЛТ”да форсий-туркий адабиёт, борингки, форсий-туркий тамаддун синтезини 1 ялпи ҳодиса сифатида тўлиқ кўра оламиз. Илмда 1 мавзу ва сюжетдаги 1 асарга жавобия билан 1 мавзу ва сюжетдаги 2 ёки 3 асарга жавобия ўртасида муайян фарқлар борлиги кўрсатиб берилиши – лозим.

“*Лисон ут-тайр*”нинг “*олтин*” ҳалқаси” деган 4.2-фасл “ЛТ”даги энг катта (515 байт) бўлган, “*достон ичра достон*”⁶⁵ деб баҳоланадиган 79-боб – Санъон ҳақидаги ҳикоят таҳлилига бағишланиб, унга “ЛТ”нинг “олтин” ҳалқаси сифатида қаралади. У достондаги *мантиқий кўприк* вазифасини ўтайди. Таҳлилда асарнинг унгача бўлган боблари мазмунидан келиб чиқилган. Бу ҳикоят орқали Худхуд қушларга ишқни англатади:

Ишқ оламсўз эрур, жонсўз ҳам,

Шавқ ўтидин куфру иймонсўз ҳам (Б. 67).

Ҳикоят шу тезисни ҳаётий-воқеий таҳлил орқали исботлаш учун келтирилган. Санъон тариқатга кирган-у, лекин ҳали чин мақсаддан – ҳақиқатдан беҳабар, яъни зоҳидлик даражасидан нари ўтмаган эди. Чунки унда ишқ пайдо бўлмаган. Зоҳидлик шариатдан тариқатга ўтиш ҳолатини билдиради. Ошиқлик эса айнан тариқатдан ҳақиқатга ўтиш жараёнини англатади. Санъон ҳали ошиқ эмас, кўнглида маъшук жамоли акс этганича – йўқ. У – ҳали зоҳид. Зоҳид ва ошиқнинг мақсадлари фарқ қилади. Навоийнинг машҳур рубоийсида айтилганидек, зоҳидга – жаннат, ундаги хур, ошиққа эса – майхона (яъни ишқ), соқий (яъни пир), жонона (яъни Аллоҳ васли) –

⁶⁵Хайитметов А. Алишер Навоийнинг Шайх Санъон ҳақидаги қиссаси. / Алишер Навоий. Шайх Санъон. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1962. – Б. 6.

керак⁶⁶. Зоҳидлик – бошланғич босқич, у бирламчи нарса (маъшук) қолиб, иккиламчи нарса(жаннат)га интиляпти.

Диссертацияда Санъоннинг Тарсо қиз шартлари(май ичиш, зуннор боғлаш, Қуръонни куйдириши, бутпараст бўлиш)ни бажариши, кейин яна 1 йил давомида чўчкабоқарлик ва ҳаммомда гўлаҳлик қилиши, шу тариқа ўзини батамом унутиши жараёнлари, муридларининг Маккага кетиб қолгани, 1 муриднинг уларни Румга қайтаргани, Аллоҳга илтижолар қилгани, Санъоннинг ўзига келиб, Макка сари йўлга тушгани, Тарсо қизнинг тушига Исо (а.) кириб, тавба қилиб, Санъон динига киришни айтгани, маъшукнинг ошиққа айланиб, Санъон кетидан Маккага отлангани, буни каромат билан билиб, Санъон ва шерикларининг ортга қайтгани, қари ошиқ билан ёш маъшуканинг учрашгани, қизнинг иймон келтириб, жон таслим қилгани воқеалари таҳлил этилади. Шу ҳикоятдан кейин рамзан кушларнинг чинакам ошиқлик даври бошланади. Энди улар ҳақида сўз юритилгудек бўлса, шоир “*бир қуш*” деб кетаверади. Ўзликдан кечишнинг 1-босқичи Санъон ҳикоятига қадар босиб ўтилган⁶⁷. Энди кушлар водийларни учиб ўтишга киришади.

“*Анъанавий*” деб юритиладиган, “ЛТ”да бевосита асар моҳияти билан чамбарчас боғлиқ дастлабки бобларни ҳисобламаганда, шартли равишда, дostonни 2 қисмга бўлиш – мумкин: 1) кушлар билан боғлиқ тасвир қисми (14 – 169-боблар); 2) кушлар билан боғлиқ бўлмаган, бевосита шоир лирик қаҳрамони дарду ҳоли баёни бўлган қисм (170 – 193-боблар). 1-қисмнинг ўзи яна 2 га бўлинади: а) шариатдан тариқатга ўтиш тасвири (14 – 78-боблар); б) тариқатдан ҳақиқатга ўтиш тасвири (80 – 169-боблар). Мазкур 2 қисмни боғловчи ҳалқа эса – Санъон ҳикояти. Шунинг учун ҳам, “ЛТ” Санъон ҳикоятисиз “ЛТ” эмас ва Санъон ҳақидаги боб – “ЛТ”нинг “олтин” ҳалқаси.

4.3-фаслга “*Мантиқ ум-тайр*” ва “*Лисон ум-тайр*”да *Қақнус тимсоли*” деб ном берилган.

Қақнус – “МТ”дан “ЛТ”га ўтган тимсол. Бироқ бу 2 дostonда мазкур тимсолга тамоман бошқа-бошқа вазифа юклатилган. Диссертацияда “ЛТ”даги Қақнус тимсоли талқинлари қиёсан ўрганилиб, таҳлил этилади, халафнинг салафи яратган тимсолдан ўз дostonи олдиға қўйилган ғоявий мақсад учун қандай маҳорат билан фойдалангани ойдинлаштирилади. Қақнус тасвири “МТ”нинг 17-мақоласида иллюстрация сифатидаги 5 ҳикоятнинг бири сифатида ўлим – ҳақлиги, ундан кўркмаслик – кераклиги, ўлимдан кейин қайта тирилиш – борлиги, тирикликда нариги дунё учун захира йиғиш – лозимлигини таъкидлаш учун келтирилган. Фоний Қақнус ҳақидаги умумий таърифу тавсифларда шу ҳикоятга суянади. Бироқ муайян фарқлар ҳам кўзга ташланади. Атторда “*бир файласуф*” унинг сайрашини эшитиб, мусиқа илмини жорий қилган эмиш:

فیلسوفی بود دمسازش گرفت
علم موسیقی ز آوازش گرفت (س. ۱۳۰)

⁶⁶Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 578.

⁶⁷Бу – Навоий “Лайли ва Мажнун”ида Қайснинг номи унутилиб, “Мажнун”га айланиши билан бир хил ҳодиса.

Фонийда бу олим айнан Фисоғурс, яъни Пифагор (эрамиздан олдинги 571 – 497 йиллар) экани аниқ айтилади:

*Қилди Фисоғурс ул ердин гузар,
Унлари келди қулоғизга магар.
Мухталиф топиб садойи шеванин,
Қилди ондин вазъ мусиқий фанин (Б. 279).*

Атторда Қақнус умрининг сўнгидаги бир ойдагина ўтин йиғади:

*چون ببرد وقت مردن دل ز خویش
هیزم آرد گرد خود ده خر مه پیش (س. ۱۳)*

Лекин Фоний тасвирида Қақнус умр бўйи ўтин йиғиш билан шуғулланади:

*Бешада умри бўлур эрмиш узун,
Умрида шугли онинг йиғмоқ ўтун (Б. 279).*

“ЛТ”да Қақнус ҳикояти дostonнинг “МТ”га жавобия қисми тугаб, лирик қаҳрамоннинг бевосита ўз дардини куйлашга ўтишига бадий халқа вазифасини ўтаган. Унда Қақнусбача – Қақнус билан тенг кучга эга тимсол. Фоний Атторни Қақнусга, ўзини эса Қақнусбачага ўхшатади. Қақнусбача ҳам умри бўйи ўтин жамлади, ҳаёти поёнида тумшуғидан юз хил наво чиқариб, Ҳақнинг яширин сирларидан куйлади, бундан ўзи, хирмони, ҳатто, бошқаларга ҳам ўт қўйди (*қаранг*: Б. 281). Фонийнинг умр поёнида куйлаган, шундан хирмонигаю ўзигаю бошқаларга ҳам ўт қўйган навоси “ЛТ” эди.

Қақнус – моҳиятан тасаввуф ақидаларига уйғун келган тимсол. Унга ўзни ўрташ, жисми куйдириб, ундан воз кечиш, руҳнинг ўлмаслиги, бақога етиш, адабий тириклик мақсадлари шундоққина жо бўлган. У – “МТ” ва “ЛТ” муносабатларини билдириш учун қулай бир восита ҳам. У адабий муҳокамалар доирасидан чиқиб, соф тасаввуфий масалалар гирдобиди ҳам айланади. Фоний зимдан, *менда Аттор руҳи қайта жилваланди*, деган фикрни сингдиради. Бу ҳикоят “МТ” ва “ЛТ”ни бир-бирига чамбарчас боғлайди ҳам.

ХУЛОСА

1. Туркий адабиётда Навоийгача ҳам, ундан кейин ҳам бундай буюк сўз санъаткори етишиб чиқмаган. Унинг ижоди – туркий, форсий ва қисман арабий сўз санъатининг ўзига хос синтези, шу бой мероснинг барча фазилатлари ўзлаштирилиб, ривожлантирилган, умумбашар миқёсида юксак чўққи бўлган бир феномен. “ЛТ” ҳам – жаҳон сўз санъатининг энг юксак намуналаридан.

2. “ЛТ”ни, *фалсавий-тасаввуфий асар*, деб билиб, “*шоирнинг энг мураккаб достони*”, – деб ҳисоблаш – хато. “Хамса”даги ягона сюжетли 4 дoston ҳам – фалсафий-тасаввуфий асар. Улар – “ЛТ”га нисбатан жуда-жуда мураккаб. “ЛТ” эса – вазнан, услубан, композициявий жиҳатдан шоирнинг энг содда дostonи. Унда тасаввуфий калит ўқувчининг қўлига тутқазиб қўйилган.

3. “ЛТ”да 4 бош қаҳрамон – бор: 1) *Аллоҳ* (таърифи); 2) *Муҳаммад пайгамбар* (с. а. в.); 3) *Ҳудҳуд*; 4) *Дostonнинг лирик қаҳрамони*. Персонажлар эса: а) кушлар; б) инсонлар; в) фаришталар тимсолларига бўлинади. Асарда

жами 44 та қуш тимсоли иштирок этган. Бироқ сафарга чиққан “*юз минг туман*” (1 миллиард, яъни жуда кўп) қушдан фақат 30 тасигина охирги манзилга етиб боради. Қушлар тимсолларини: 1) Худхуд даъватига мушарраф бўлган; 2) Худхудга ўз узрини айтган; 3) Худхудга савол берган; 4) Симуруғ сари парвоз тутаганидан кейин учрайдиган қушларга, инсон тимсолларини: 1) бош қахрамонлар; 2) мамдуҳ персонажлар; 3) ҳикоятларда тасвирланган персонажларга бўлиш – мумкин.

4. “ЛТ”, асар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, “*Фоний*” таҳаллуси билан битилган. “*Навоий*” – шоирнинг фақат туркий, “*Фоний*” эса – ҳам форсий, ҳам туркий таҳаллуси. “*Фано*” (31 бор қўлланган) ва “*фоний*” (47 карра ишлатилган) тушунчалари талқини бутун дostonни тизма бир занжирдек тутиб туради. 1 марта “*ифно*” (фано қилмоқ, йўқ қилмоқ) тарзида ҳам келади. “ЛТ”да нақшбандиянинг “*Дил – ба ёр-у, даст – ба кор*”, “*Ҳуш – дар дам*”, “*Назар – бар қадам*”, “*Сафар – дар ватан*”, “*Хилват – дар анжуман*” ғоялари тарғиб қилинган. Қушлар парвозининг нақшбандия ғоялари сари буриб талқин этилиши “МТ” ва “ЛТ” ўртасидаги энг муҳим тафовутлардан бирини келтириб чиқарган. “ЛТ” – бу тариқат моҳиятини тушуниш учун дастурий бадий асар.

5. Илоҳий ишқ *ҳақиқий* ва *мажозий ишқ*қа бўлинади. Мажозий ишқ инсоний ишққина эмас. Унда булбулнинг гулга, қушларнинг Симуруғга ишқи тасвирланиши – мумкин. Яъни ҳақиқий ишқ мажоз воситасида намоён бўлади. Шунинг учун мажозий ишқ дунёвий ишқ эмас. Дунёвий ишқ замирида Худога ишқ кўзда тутилмайди. “ЛТ”да “*ишқ*”, “*ошиқ*” ва “*маъшуқ*” тушунчалари ўзаро вобасталикда келади. Бу жиҳатдан “ЛТ” – ишқнома. “ЛТ”даги қайдга асосланиб, *шоир ўз ишқи ҳақида дoston ёзмоқчи бўлган, бу орзуси амалга ошмаган*, қабилдаги қараш – хато. “ЛТ” – унинг ўз ишқи ҳақидаги дostonи.

6. Пайғамбаримиз (с. а. в.) – меърожда тириклайин Аллоҳ васлига мушарраф бўлган энг комил инсон. Сўфийлар ҳам васлга етишни мақсад қилиб, шунга интилади. Бу билан пайғамбарлик даъво қилинаётгани – йўқ. “ЛТ”даги Худхуд раҳнамолигида Симуруғ сари парвозига қараб, қушларни пайғамбар(а.)ларга менгзаш – хато. Улар расулуллоҳ (с. а. в.) каби васлга етишга – умидвор. 7 водийни босиб ўтиши сўфийлар қалбида кечадиган жараён. Дostonда у рамзан қушлар парвози янглиғ кўрсатилади. Қушлар 7-водий бўлмиш Фақру фанога етишгунига қадар жами 4 марта: 1) Худхуд Симуруғ ҳақида дастлабки маълумот бериб, қушларни унинг сари парвозга тарғиб этганидан кейин (32-боб); 2) қушлар узрларини айтиши ва Худхуднинг асосли-асосли жавоб қайтариб, охирида Санъон ҳикоятини сўзлаб берганидан сўнг (80-боб); 3) қушларнинг қуръа ташлаб, Худхудни ўзларига пир этиб танлаганларидан сўнгра водий бошига етгунларига қадар (81-боб); 4) қушлар билан Худхуд ўртасида савол-жавоблар (81 – 148-боблар), 7 водий таърифи келтирилгани(149 – 165-боблар)дан кейин 7 водий бўйлаб парвоз қилишади (166-боб). Сўфий пир раҳнамолигида 7-осмонгачагина етиб бориши – мумкин. Ҳатто, Жаброил (а.) ҳам осмоннинг 8- ва 9-қаватига кўтарилиш ҳуқуқига эга эмас эди. “ЛТ”да ўзликдан кечиш, жисмдан кутулиш – таркидунёчиликдан тамоман бошқа фалсафий-маънавий мазмунга эга. Меърож ана шу асл моҳиятни англаш учун бағоят асқотади. Меърож – асар учун тасвирий асос ва

